

**Олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия ва  
жисмоний маданият мутахассислиги учун**

**Ўқув – услубий кўлланма**

термиз 2008

Термиз давлат университети илмий услугбий кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий ўқув юртлари жисмоний маданият факультетининг талабалари, мутахассислари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг ходимлари учун мўлжалланган.

Кўлланмада “Спорт ва қадрият” нинг моҳияти, уларнинг жамиятда тутган ўрни, мақсади ва вазифалари, соғлиқни саклаш ва мутаҳкамлаш, иқтисодий юқсалиш ва барқамол авлодни тарбиялашдаги роли, спорт ва қадриятлар, уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш йўлидаги хизматлари, спорт ва қадриятга янгича ёндашув масалаларига кенг ўрин берилган.

### **Тақризчилар:**

**Тошпўлатов Ж.Т.** – Педагогика фанлар номзоди, профессор.  
**Худойбердиев Х.Х.** – Фалсафа фанлари номзоди, доцент.

## **Мундарижа**

Сўз боши .....
Кириш .....
1. Истиқлол ва спорт .....
2. Спорт – ғуур, шараф-шаън .....
3. Спорт, унинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни .....
4. Спорт фаолиятида тарбия ва унинг хусусиятлари .....
5. Жисмоний тарбия ва спорт қадриятлари – таълим-тарбия мезони .....
6. Жисмоний маданият ва спортда миллий ва умуминсоний қадриятлар .....
7. Қадриятларнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари .....
8. Қадриятларнинг асосий турлари .....
9. Қадриятларнинг жамиятдаги ўрни .....
10. Мустақиллик – қадриятларга янгича ёндашув даври .....
11. Маънавий сарчашмаларимиз.....

*“Хеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машхур қила олмайды”.*

И.А.Каримов

## Сўз боши

Ўзбек халқининг азалий орзуси – Мустақиллик миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуки сифатида рўёбга чиқди. Мустақиллик туфайли тақдиримизни, келажагимизни ўз қўлимизга олишга мұяссар бўлдик.

Мустақиллик халқимизнинг ўз куч – қувватига ишончини уйғотди. Мустақиллик сабаб одамда яшириниб ётган ижодий фикр ва туйғуларни рўёбга чиқариш имкониятини берадиган ижтимоий тартиб пайдо бўлди.

Озод, обод ва фаровон жамият барпо этиш халқимизнинг асосий ғоясига айланди.

Жамият ривожланишининг ҳозирги давр босқичида баркамол инсонни тарбиялаш энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “Соғлом авлодни тарбиялаш - буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини куриш деганидир”. Шундай экан, мамлакатимизда соғлом авлод дастури ҳаракатининг кенг тус олгани, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим – тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Комил инсон рухан тетик, ақлан етуқ, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мутаҳкамлаш, иш қобилиятини ошириш, жамоаларда қулай соғлом муҳитни яратишнинг кўп қиррали жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти ортиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Спорт ва қадриятлар соғлом авлод тарбиясининг муҳим омилларидан биридир. Қўлланмада айнан ана шу масалалар ўз ечимини топади.

## **Кириш**

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида шаклланиши ва унинг истиқлол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий маърифий соҳаларини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда соғлиқни сақлаш, фан, маданият, техника, иқтисод, таълим-тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб бормоқда. Маълумки бу жараёнларни ҳозирги кун талаблари асосида ташкил қилиш ва бошқариш асосий мақсад ҳисобланади.

Шу сабабдан мамлакатимизнинг мустақиллигини тўла таъминлаш, унинг жаҳонда таракқий этган давлатлардан бири сифатидаги нуфӯзини халқаро ҳуқуқлар асосида юкори кўтариш каби фаолиятлар ниҳоятда муҳим. Бу фаолиятларни амалга оширишда эса мутахассис кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, ўқувчи - ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотини ошириш, соғлом авлод тарбиясини такомиллаштириш масалалари келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим омилларидан биридир.

- Бугунги қуннинг энг муҳим вазифаси, - деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов, - ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса, бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола-биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юрншга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларн топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатdir.

Юртимизда жисмоний тарбия, спорт ва халқ миллий ўйинлари таълим тизимидан асосий таълим-тарбия воситалари сифатида мутаҳкам ўрин олмоқда. Теннис бўйича Президент кубоги учун халқаро турнир анъанага айланди. Ўзбек кураши жаҳон спорти турлари қаторига кўшилди ва жаҳон чемпионатлари муваффақиятли ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон спортчилари Марказий Осиё, Осиё ва халқаро спорт мусобақаларида мустақил жамоа сифатида иштирок этиб, дастлабки ютуқларга эришдилар. Бу жиҳатлар республика спорт ташкилотлари раҳбарларини янада ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишга даъват этади.

Таъкидлаш жоизки, ахолиннинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда "Алпомиш" ва "Барчиной" махсус тестларининг ҳаётга татбиқ қилиниши, ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг турли спорт мусобақалари, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ўйинлари, "Универсиада", халқ миллий ўйинлари фестиваллари ҳамда аҳоли истиқомат жойлари, меҳнат жамоаларида спартакиадалар, биринчиликларнинг мунтазам ташкил қилиниши эътиборга моликдир. Барча ҳудудлар ва марказий шаҳарларда йирик спорт иншоотлари қад кўтармоқда, янги спорт мактаблари, лицейлар, касб-хунар коллежлари ташкил қилинмоқда. Спорт жамоаларининг турлари ва сонлари тобора ошмоқда. Бунда оммавий соғломлаштирувчи ва спорт маҳоратларини оширувчи тадбирларни мақсадли ташкил қилиш мутахассислар, жамоат идоралари ва ҳомийлардан катта ташкилотчилик, эътибор талаб этади.

## **Истиқлол ва спорт**

Режа:

1. Истиқлол берган имконият.
2. Ёшлар ва ахоли ўртасида ўтказиладиган мусобақалар тизими.
3. Аждодларимизнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабатлари.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг бизга халқаро майдонлар сари йўл кенг очилди, иқтидорли спортчиларимиз ўз маҳоратларини Осиё ва жаҳон чемпионатларида намоён эта бошладилар. Хоҳлаган спорт турини таҳлил учун олиб кўрганда, унда катта-катта ўзгаришлар бўлганини, ҳар бир спортчи олдида аниқ мақсадлар факат медаллар дея, чемпионлик дея урганини, ураётганини кўрамиз.

Бугун жаҳон аҳли Артур Таймазов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Рустам Саидов, Артур Григорян, Руслан Чагаев, Рустам Қосимжонов, Оксана Чусовитина, Ўткирбек Хайдаров, Миржалол Қосимов, Абдулла Тангриев, Сослан Тигиев, Антон Фокин, Ришод Собиров, Екатерина Хилько, Қаҳрамон Орзуқулов деганда бизнинг серқуёш Ўзбекистонимизни хаёлига келтиради. Шундай жаҳон чемпионлари-ю, спорт юлдузларини тарбиялаган эл қандай экан, уларнинг машғулот ўтказиш тартиблари қанақа, иқлими-ю табиати, суви, маҳаллий мева-чевалари қандай экан, дея сонсаноқсиз саволлар, қизиқишлиар оғушида қолса, ажабланманг. Ахир ўша ватандошларимиз-ку, Ўзбекистон деган гўзал мамлакатни дунёга танитаётган, ўз спорт маҳоратлари билан дунё аҳлини лол этаётган...

«Кирол Артур» ўз интервьюоларида жаннатмакон юртимизни, туғилиб-ўсган Тошкенти ва у ернинг меҳри қайнок, инсонлари ҳақида доимо фахрланиб гапиради. Ҳатто рингдаги қийин вазиятларда, рақибидан зарба ўтказиб юборган пайтларида кўзи Ўзбекистон байроғига тушиб, яна шердек кучга тўлгани ва рақибига аниқ зарбалар бериб, алал-оқибат,

чемпионлик камарига әгалик қилганини ҳам ифтихор ила сўзлаб беради.

Оддий бир ҳақиқат: бугун орамизда жаҳон чемпионларимиз бор, лекин собиқ иттифоқ пайтида оддий спорт устасига «Қани энди, биз ҳам жаҳон спорт майдонлариға чиқсак», дея ҳавасла боққанимиз ҳам бор гап. Менга Самарқандлик шоҳмот мураббийи Бахтиёр Ақобиров бўлиб ўтган бир воқеани шундай сўзлаб берди.

80-йилларда шаҳримизда шоҳмот бўйича Самарқанд шаҳар чемпионати ўтаётган эди. Мусобақада Россиядан келган Сергей Фокин исмли спорт устаси ҳам қатнашаётганди. Ишонсангиз, ўшанда «Спорт устаси» билан ўйнаётиб, шоҳмотчилар жуда хаяжонланганидан, барчамиз Фокинга ҳайрат билан қарагандик. Мана бугун, Мустақиллик туфайли қанчадан-қанча спорт усталаримиз, гроссмейстерларимиз бор. Истиқлолга эришиб, Рустам Қосимжоновни бутун дунё таниди.

Спортчиларимизга ҳалқаро майдонлар эшиги кенг очилди. Спортчимиз Ўзбекистон чемпионатида ғолиб чиқса, тўғридан-тўғри жаҳон чемпионатига, 2-ўрин соҳиблари эса Осиё чемпионати баҳслариға чиқишишмоқда.

Ватан, ғурур, миллат обрўси, байроқнинг баланд ҳилпираши ҳамда мадҳиямиз баралла янграши, ота-она дуоси, эл-юрт меҳри, устозлар ишончи-айнан мана шу муқаддас туйғуларни истиқлол туфайли теранроқ ҳис қилмоқдамиз. Айнан мана шу туйғулар спортчига қўпинча куч беради, уни қудратлироқ қиласи.,

Масалан, спорт гимнастикасида узоқ йиллар бир текис натижа кўрсатиш мураккаб жараён. Айниқса хотин-қизлар бу спорт турида қўпинча турмушга чиққунларича ўзларининг бор имкониятларини намойиш этишади, сўнгра катта спортни тарқ этадилар. Бироқ бизнинг ватандошимиз Оксана Чусовитина турмушга чиқиб, фарзандли бўлгандан кейин ҳам Олимпиадаларда, Осиё ўйинлари ва жаҳон кубоги баҳсларида иштирок этди, шу билан бирга энг яхши натижалари билан барчани ҳайрат кўчаси сари етаклади.

Ўзбекистоннинг спорт маликаси Оксана Чусовитина Германиянинг «Тойота- Кёльн» гимнастика клуби жамоаси ғалабалариға катта ҳисса қўшиб, унинг Европа чемпионлар лигасидаги муваффақиятларини ҳам таъминламоқда.

Бетакрор Оксана 2006 йил охирида Қатарда ўтган Осиё ўйинларида ҳам Ўзбекистон шарафини муносиб химоя қилди.

Сон-саноқсиз ютуқлари, медаллари сафида 1992 йилги Барселона Олимпиадасининг олтин медали бўлишига қарамасдан Оксана Чусовитина кейинги олимпияда ўйинларида ҳам мувофақиятли қатнашди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз Германиянинг жаҳонга машхур «Gumnova» дан гимнастика жихозлари келтирилди ва бугун улар Марказий Осиёда ягона. Жиҳозлар тақдимотида эса Оксана Чусовитина бошлиқ бир грух спорт гимнастикаси юлдузлари, жаҳон ва Олимпиада чемпионларининг иштирок этиши минг-минглаб болажонлару, жажжи қизалоқларниг юрагига: «мен ҳам келажакда Оксана опадек жаҳон чемпиони бўламан» деган эзгу ниятни жойлади.

Бу гаплар баландпарвоз гап бўлиб қолаётгани йўқ. Мамлакатимизда бир-биридан гўзал спорт иншоотлари қуриляпти ва эскилари қайта таъмирланаяптики, уларни бемалол бебаҳо гавҳарларга қиёслаш мумкин. Гавҳарки, эл-юрт, ёш авлод саломатлиги учун хизмат қиласидиган, жамиятга тоза фикрли, таъбир жоиз бўлса, мусобақаларда дадил кураша оладиган спортчилар, комил инсонлар тарбиялаб берадиган... Бугун боғча боласидан тортиб, фахрий кексаларгача, уй бекаларидан турли касб эгаларигача, мактабдан тортиб, колледж-у олийгоҳ талаблари гача қандайдир йирик мусобақада мусобақалашади. Мисол тариқасида айтсак, «Умид ниҳоллари» ёки «Баркамол авлод», «Универсиада» ёхуд «Умумармия ўйинларида». Уй бекаларимиз эса Республика хотин-қизлар спартакиадаларида беллашишади, дўст-дугона орттиришади.

Оммавийликдан профессионаликка ҳам қадамлар дадил ташланмоқда. Турли хорижий давлатларга бориб, уларнинг спортини ўрганиб келиш йўлга қўйилган. Масалан, 2006 йилнинг бошида бир грух спорт гимнастикаси ва бадиий гимнатикачиларимиз малака ошириш ҳамда ўртоқлик учрашувларида қатнашиш учун Германияга бориб келишди.

Тасаввур қилинг, Германиянинг Гамбург шаҳрида Қашқадарёning Косон тумани «Гувалак» қишлоғида туғилган 10-12 ёшли қизлар бадиий гимнастика буйича чиқишилар килмоқда. Эгнида бадиий гимнастикага мослаб тикилган атлас

кўйлаклар. Мусиқа ўзбекча. Машқ бажараётган қизчалар қоракўз, қорақош... Немислар ҳайратдан қарсак чалиб юборишиди. Мутахассислар-у, йиғинга келган Белгия ва Германия бадиий гимнастикачилари бизнинг қизлар ҳақида илиқ фикрлар билдиришиди. Она қишлоғи ҳам бу жажжи қизчаларни, узоқ Германияга бориб, тажрибасини бойитган ватандошларимизни тантанавор кутиб олди. Катта дошқозонда ош дамланиб, тўй берилди. Кекса боболаримиз шу азиз кунларга етказгани учун шукроналар айтдилар.

«Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!»... Мадҳиямиздаги бу сатрлар бежизга эмас. Бизнинг Амир Темур, Захириддин Мұхаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис каби енгилмас, мард аждодларимиз бор. Шуларнинг руҳи ҳар қадамда қўллаб турса, уларнинг авлоди эканлигимиз ҳар доим юрагимизга янгича куч бағишлиб туради.

Истиқлолнинг ортда қолган 17-йили давомида қанчадан-қанча ҳамюрларимиз ғалабаси эвазига байроғимиз баланд ҳилпиради ва ҳилпирамоқда. Мана 2008 йилнинг 8-24 август кунларида Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида ўтказилган 29-ёзги олимпияда ўйинларида ватандошларимиз спортнинг 15 тури бўйича иштирок этиб унда 6 та: 1 та олтин (Артур Таймазов – эркин кураш), 2 та кумуш (Абулла Тангриев-дзюдо, Сослан Тигиев-эркин кураш), 3 бронза (Екатерина Хелько-трамполин, Антон Фокин-спорт гимнастикаси, Ришод Собиров - дзюдо) медаллар шодасини қўлга киритишиди ва умумжамоа ҳисобида 40-ўринни эгаллашди.

Янги чемпионларнинг етишиб келаётгани юракларни фахрга тўлдирса, баъзи спорт юлдузларимизнинг спортчилик фаолиятини якунлаб, мураббийлик қилаётгани эса қўплаб янги Миржалоллар, янги Авезбоевлару Авазовлар, Григорянлар-у Каспулатоваларнинг камолга етишидан дарак беради.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Истиқлол қандай имкониятлар берди ва нималарга эришдик?
2. Мусобақалар тизимини изоҳланг.
3. Қайси бир аждодларимиз вакилларининг ишларида жисмоний тарбия ва спорт кўпроқ ўз аксини топган?

## **Спорт - ғуур, шараф - шаън.**

### **Режа:**

1. Халқаро спорт ҳаракати тизимида ўзбек спорти.
2. Спорт-миллатни улуғлаш, ёш авлодни хар томонлама тайёрлаш ва тарбиялаш омили.
3. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш (“2007 йилда болалар спорти объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори) тўғрисида.
4. Уч босқичли спорт мусобақалари тизими.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнига эга бўлди. Давлатимиз сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда кенг ривожланиш, ислоҳотлар йўлидаги изчиллик туфайли жаҳонга танилди. Айниқса, Ўзбек деган ном, Ўзбекистон дея аталмиш юртнинг спорт оламида донғи дунёга достон бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Мамлакатимиз спортчилари жаҳон ва осиё чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришиб, юртимиз байроғини сарбаланд этиб, Она-ватан мадҳиясининг дунёning турли бурчагида барадла янграшига эришдилар.

Тугалланаётган 2008 йил ҳам спортчиларимиз учун омадли келди. Агар ушбу йилни сарҳисоб қиласиган бўлсак, спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда, жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли иштирок этишди. Ўтган йили январ ойида ўзбек профессионал боксчиси Руслан Чагаев Германиянинг Гамбург шаҳрида ўзининг Россиялик рақиби Валуев устидан ғалабага эришган бўлса, 2006 йилнинг феврал ойида ҳамюртларимиз Марина Аганина, Артём Князев, Анастасия Гимазетдинова ҳамда Қайрат Эрметовлар Италиянинг Турин шаҳрида ўtkazilgan XX қишки Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этишди.

Айниқса, юртимиз полвонлари Ватанимизга шода-шода медаллар келтиришиб, миллатимизни яна ва яна улуғлашди. Тошкентда ФИЛАнинг «Олтин Гран при» туркумига кирувчи халқаро мусобақасида Артур Таймазов олтин медалга эга бўлиб,

ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиган бўлса, Дилшод Мансуров ва Абдул Аммаев кумуш, Адҳам Очилов эса бронза медалига сазовор бўлишиди. Ҳамюртимиз Артур Таймазовга 2006-2008 йиллар омадли келди десак хато қилмаган бўламиз. У 2006 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган эркин ва юонон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида барча рақибларини доғда қолдириб ғолибликка эришган бўлса, 2008 йил Пекин олимпиадасида Олтин медал соҳиби бўлди. Унинг 2006 йилдаги учинчи ютуғи Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида қўлга киритган олтин медали бўлди. Абдулла Тангриев, Дилшод Орипов, Равшан Рўзикулов, Заурбек Сохиев ва Сослан Тигиев сингари полvonларимиз ҳам йилни муваффақиятли якунлашди.

Юртимиз боксчиларининг ҳам ўган 2007 йилдаги ютуқлари бисёр бўлди. Таиландда «Қирол кубоги» учун ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз Ўткирбек Хайдаров олтин, Баҳодир Султонов кумуш, Жасур Матчонов эса бронза медалига эришишиди. Москвада ўтказилган интерконтинентал ғолиблиги учун курашда Қаҳрамон Орзуқулов Қозогистонлик Марат Мазимбоев устидан катта ғалаба қозониб чемпион бўлди.

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида профессионал бокс бўйича титул ва рейтинг жангларида ҳамюртимиз Қувончбек Тойғонбоев Чилилик Марио Кастрони нокаутга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Доҳадаги Осиё ўйинларида ҳам боскчиларимиз юртдошларимиз қувончига қувонч улашишиди. Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, Рустам Сайдовлар олтин медал олишган бўлишса, Жасур Матчонов кумуш, Бекзод Хидиров ва Дилшод Махмудовлар бронза медаллари соҳибига айланишиди. Спортнинг бошқа йўналишларида ҳам Ватандошларимиз ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишиб, юртимиз байроғини сарбаланд этдилар. Жумладан, муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Мавлонбек Қаҳхоров, кикбоксинг бўйича халқаро турнирда Алишер Абдуллаев, ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионатида «спринт» баҳсида Руслан Носиров, Хитой пойтахти Пекин шаҳрида енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган XI-жаҳон чемпионатида Светлана Радзивил, техник ва амалий спорт турларига киравчи кемамоделчилик бўйича жаҳон чемпионатида Шавкат

Исматуллаевлар олтин медалларни қўлга киритишиб, Ўзбекистонимиз донғини дунёга достон этишди.

Энг катта муваффақият спортчиларимиз томонидан Қатар пойтахти Доҳа шахрида ўтказилган Осиё ўйинларида қўлга киритилди. Спортчиларимиз 11 та олтин, 14 та кумуш, 15 бронза медалларига эга бўлиб, умумжамоа ҳисобида қитъанинг 45 давлатлари ичида еттинчи ўринни эгаллаб, спортсевар халқимизга олам-олам шодлик ва қувонч олиб келишди. Айниқса боксчиларимиз, эркин ва юнон-рум курашчиларимиз, енгил атлетикачиларимиз, академик эшкак эшиш ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшувчи спортчиларимиз, каратэ ва таэквандочиларимиз, тромоплин ва велоспортчиларимиз, дзюдо ва тенисчиларимиз Ватанимиз ғалабасига муносиб ҳисса қўшишди.

Халқимиз Гўзал Хуббиева, Зарина ва Севара Ғаниевалар, София Каспулатова, Юлия Борзова, Евгения Каримова, Анастасия Журавлёва, Екатерина Хилько, Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова, Албина Хабибулина ва Дилора Саидхўжаева сингари муносиб қизлари, Баҳодир Султонов, Элшод Расулов, Рустам Саидов, Вадим Менков, Владимир Черненко, Руслан Наурзалиев, Дилшод Мансуров, Артур Таймазов, Леонид Андреев, Виталий Смирнов, Алексей Бобожонов, асур Матчонов, Сергей Борзов, Герасим Кочнев, Серик Мирбеков, Владимир Тўйчиев, Заурбек Сохиев, Олег Каллагов, Равшан Рўзикулов, Бекзод Хидиров, Дилшод Махмудов, Максим Кирьянов, Рустам Мирзадияров, Сослан Тигиев, Дилшод Орипов, Геннадий Чхеидзе, Андрей Мартемьянин, Ўткир Қурбонов, Абдулла Тангриев, Шокир Мўминов, Рамзиддин Сайдов, Ришод Собиров, Антон Фокин сингари паҳлавон ва мард ўғиллари борлигидан фаҳрланади.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Спорт-миллатни улуғлайди», деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, спорт ва спортчиларимиз Ўзбек деган ном, Ўзбекистон дея аталмиш юртимизни дунё миқёсида улуғлаб, давлатимиз обрўсига-обрў қўшишмоқда. Спорт ва спортчиларимиз ғалабалари ўсиб келаётган фарзандларимиз характерини тобламоқда, уларнинг қалбида ўз халқи, юрти билан фаҳрланиш туйғуларини уйғотмоқда. Спорт - ғуур, спорт - шараф, спорт - шаънга айланмоқда.

Мамлакатимизда спорт соҳасига берилаетган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилигани бундай муваффақиятларнинг ҳамда қураётган демократик жамиятимизга муносиб жисмоний ва маънавий соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган комил авлодни тарбиялашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, қишлоқ жойларда барпо этилаётган спорт коллежлари ва мактаблари, турли-туман спорт иншоотлари бунинг ёрқин далилидир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, ушбу жамғарманинг юртимиз қишлоқларида бунёд этаётган спорт иншоотлари нафақат ҳалқимизни қувонтирум оқда, балки яқин ва узоқдаги дўстларимизнинг ҳавасини ҳам уйғотмоқда. Мазкур жамғарма орқали аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, фарзандларимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсад қилиб қўйилган. Ўзбекистон республикаси Президентининг ўтган йили 26 декабрда қабул қилган «2007 йилда болалар спорти обьектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори янги йилда ҳам болалар спортини ривожлантиришда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилишидан далолат беради.

Тўғрисини айтганда, спорт мамлакатимизда умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари, академик лицей ва коллеж талабалари ўртасида ўтказилаётган «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабалари орасида ўтказилаётган «Универсиада» мусобақалари бир томондан, бизда босқичма-босқич спорт тизими шаклланаётганидан, иккинчи томондан ва энг муҳими, юртимизда жисмонан кучли ва маънавий баркамол авлод тарбияланаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Қарши шахрида ўтказилган «Умид ниҳоллари - 2006» спорт мусобақалари 200 нафардан зиёд янги чемпионларни кашф этган бўлса, Тошкент шахрида ўтказилган «Универсиада-2007» спорт мусобақалари ундан-да кўп чемпионларни кашф этди. Конституция куни ва Наврӯз байрамига бағишлаб ўтказилаётган Умуммамлакат марафони, Республика аёллар спартакиадаси, миллий халқ ўйинлари мусобақалари-буларнинг барчаси юртимиз

спортининг ривожланиши, унга давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг натижасидир.

2008 йилда ҳам спортчиларимиз улкан ғалабаларни қўлга киритишиди. Буни биргина Хитой пойтахти Пекинда якунланган XXIX ёзги олимпиада ўйинлари натижаси, яъни бир олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медаллари исботлаб турибди.

Демак, спортивизм халқимиз ва миллатимиз ғурури, шарафи ва шаънига айланиб, Ўзбекистонни дунё ахлига танитишдаги ғолибона одимларини давом эттиремокда.

Мавзуга оид синов саволлари:


1. Ўзбек спортчилари мустақил мамлакатнинг жамоаси сифатида қачондан бошлаб олимпия ўйинларида иштирок этабошладилар, қандай натижаларга эришди?
2. Миллатнинг ғурури, шарафи-шаънини улуғлашда спортнинг роли ва ўрнини изоҳланг.
3. «Уч босқичли спорт мусобақалари» тизими ва уларни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?




**1999 йил. Кураш бўйича 1-Жаҳон  
чемпионатининг тантанали очилиш маросими**




**Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия  
ва спорт кенгаши раиси Р.Ўтаев шогирди Ботир  
Хасановни ғалаба билан табрикламоқда**



**Абдулла Тангриев Олимпиада совриндорлари  
билин ғалабани нишонламокда**





**Сосланнинг “темир қулочи”га тушган рақибга  
ҳавас қилиб бўлмайди.**



**Артур билан ҳамюртларимиз ҳар қанча  
фахрланса арзийди**



**Хилько Екатерина – Пекин олимпиадаси-  
нинг бронза медали сохибаси**



**Бу медаль Ришоднинг зафар сари биринчи ғалабаси бўлди**

**Фокин Антон – Пекин олимпиадасининг баронза медали соҳиби**

## **Спортнинг моҳияти ва унинг жамиятдаги ўрни**

### **Режа:**

1. Спортнинг моҳияти.
2. Спорт фаолиятининг қисмлари.
3. Спортнинг жамиятдаги ўрни
4. Ҳозирги замон ўзбек спортининг ривожланишида миллий қадриятларнинг аҳамияти.

Спорт бу тарихан шаклланган инсон фаолияти бўлиб, танлаб олинган бирор бир спорт турида юқори натижага эришиш ва маҳсус мусобақалар шароитида юксак ютуқларни, ғолибларни аниқлаш ва уларни улуғлашдан иборат. Спорт ҳозирги замон жамиятининг таркибига киритилган бўлиб, унинг моҳияти хилма-хил ва кўп қирралидир. Жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимининг элементлари сифатида улар қаторига спорт масалалари билан шуғулланувчи халқаро бирлашмалар, спорт турлари бўйича халқаро федерациялар, спортнинг техник турлари бўйича халқаро бирлашмалар, халқаро сайёҳлик

ташкилотлари ва бошқалардан иборат бўлиб, спортни ривожлантириш масалалари БМТ да, давлат парламентларида муҳокама қилинади. Конституцияларда, сиёсий партияларнинг дастурларида ўз аксини топган. Спортга раҳбарлик қилиш давлат даражасида амалга оширилади. У асосан икки қисмдан базавий ва маҳсус хизмат қисмларидан ибора бўлиб, булар унинг самарадорли ишлашини таъминлайди.

1. Базавий қисмга спорт мусобақалари киради.
2. Маҳсус хизмат қисми - спорт машқи. Спортчиларни саралаш, тайёрлаш ҳакамлик ва бошқалардан иборат.

Спорт мусобақаси мақсадни белгилайди ва маҳсус хизматларни яхлит фаолиятга бирлаштиради. Спортнинг функционал тузилиши ана шунга асосланади ва қуйидагилардан иборат:

1. Спорт мусобақалари
2. Спорт мусобақаларини такомиллашириш (мусобақаларнинг қоидалари, низоми, тақвими, ҳакамлар, ташкилотчилар ва ҳ.к.)
3. Спорт машқи
4. Спортчиларни танлаш ва ўринбосарлар тайёрлаш
5. Илмий-услубий таъминот ва ҳ.к

## **Спортнинг жамиятдаги вазифалари**

Спортнинг кўп томонламалик моҳияти унинг жамиятдаги кўп қиррали вазифалари билан белгиланади.

1. МУСОБАҚА ВАЗИФАСИ – асосийлардан бўлиб, спортчи ва жамоаларнинг ғолиблигини аниқлайди. Ўринларни белгилайди. Спорт тайёргарлигининг даражасини баҳолайди. Мусобақа фаолияти учун спортчиларни тайёрлаш тизимини ишлаб чиқади. Экстремал шароитларда инсон организми имкониятларини аниқлайди, жамиятдаги инсон фаолиятининг бошқа томонлари, яъни меҳнат, касб, саломатликни яхшилаш ва ҳ.к.лар билан алоқани мутаҳкамлайди.

2. ТАРБИЯВИЙ ВАЗИФАСИ – у биринчидан, спортчиларнинг мусобақалашув фаолияти самарадорлигини оширса (фақат спорт учун), иккинчидан, шахсни ҳар томонлама ижтимоий фаол қилиб тарбиялашга ёрдам беради. Шуни эътироф

етиш керакки, фактат спортнинг ўзи зарур бўлган тарбиявий самарани таъминлайди. Спортнинг таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Спортнинг тарбиявий таъсир этиши жамиятнинг ривожланганлигига, унинг ижтимоий тизимига боғлиқ бўлади. Собиқ иттифоқ даврида спортчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар коммунистик тарбиянинг кўрсатмалари асосида олиб борилар эди. Бизнинг мустақил республикамизда эса спорт миллий ва умуминсоний истиқол ғояларига асосланган тарбияга қаратилгандир.

**3. ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ** – спорт, инсонни ҳар хил ижтимоий фаолиятга тайёрлашда шахсни ҳар томонлама жисмоний ривожлантиришига ёрдам беради. Спорт - шуғулланувчилярнинг жисмоний, психологик имкониятларини такомиллаштиради, ҳаётий зарур бўлган ҳаракат кўникмаларини, ҳамда мураккаб вазиятларда уларни ишончлилигини оширади, авлодни меҳнат, ватан мудофасига ва бошқа фаолиятларга тайёрлайди.

**4. СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВАЗИФАСИ** – инсон саломатлигини мутаҳкамлаш, фаол дам олишни таъминлаш, эстетик қарашларни шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортга ҳавас уйғотиш ва ҳ.к.

**5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КЎРСАТАДИГАН САМАРАЛИ ТАЪСИРИ**–соғлиқни мутаҳкамлаш эвазида меҳнат унимдорлигини оширади, ишлаб чиқаришга қатнашувчи кучларни бириттиради, яхши соғлом муҳитни ҳосил қилишга ёрдам беради. Соғлом турмуш тарзини инсон ҳаётига сингдириш тафаккурини оширишга таъсир қиласи.

**6. ИНСОН ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ**–Спорт орқали инсон ўзининг жимоний имкониятларини англаб олади, ҳаётда бирор фаолият инсон жисмоний имкониятларини спортчалик белгилаб бера олмайди. М: 100 м.ни қанчага югурга олиш, баландликка қанчадан сакраб ўта олиш ва бошқалар, шу билан биргаликда инсон танасидаги аъзолар иш қобилиятларининг имкониятларини билиб олишга ёрдам беради.

**7. ТИНЧЛИКНИ МУТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ВАЗИФАСИ** – Спорт - тинчлик элчиси – деган шиор ҳаммага маълум. Спорт барча дунё ёшларини ирқига, миллатига, сиёсий

қарашига қарамай бирлаштиришга ҳаракат қиласади. Олимпиадаларда, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва турли халқаро турнирларда турли мамлакат ёшлари бир-бирлари билан қўл беришиб, қучоқлашиб мусобақаларни бошлайдилар ва якунлайдилар. Масалан боксда, курашда ва ҳ.к.

8. ТОМОШАБИНЛИГИ – биринчи мисол, 1998 йили футбол бўйича Ўзбекистон миллый чемпионатида олий табака ўринларини 1 млн 800 минг киши, 1999 йили эса 2 млн 300 минг киши томоша қилганлар. Бирор соҳа йўқки, бунча муҳлисга эга бўлса. Рио-Де-Жанеродаги “Мароканд” ўйингохи 205 минггача томошабинни қабул қила олади.

9. ИҚТИСОДИЁТНИ ОШИРИШГА ТАЬСИРИ – мамлакат фуқароларини юқори даражали соғлиққа эриштириб, уларнинг меҳнат қобилиятлари даражасини ўстириш натижасида иқтисодиётни ривожлантириш.

10. ОБРЎ-ЭЪТИБОР – 1996 йил Ўзбекистон футбол жамоаси Осиё чемпиони бўлиб, Республикамиз, миллатимиз обрўйига обрў қўшди. Президентимизга Хитойда бўлиб ўтган “Футбол бўйича мусобақа ғолиби бўлган давлат Президенти” деб юқори баҳо берилди. Спортчиларимизнинг чемпион бўлишлари Республика ва миллатимиз обрўини янада оширади. Айниқса, XX асрнинг охирги Сиднейда ўтказилган XXVII олимпия ўйинларида Муҳаммадқодир Абдуллаев олимпия чемпиони бўлиб, Ўзбекистон обрўига обрў қўшган бўлса, Афинада ўтказилган XXVIII олипия ўйинларида спортчиларимиз дунё спорт майдонида 34 -, МДҲ мамлакатлари ўртасида 5-, ва Марказий Осиё мамлакалари ўртасида 1 - ўринни эгаллаб, мамлакатимиз шону-шуҳратини янада оширдилар.

## **Ҳозирги замон ўзбек спортининг ривожланишида миллый қадриятларнинг аҳамияти**

Ўзбек халқи қадимдан ҳозирги давргача эрншган барча ютуқлари - оддий тош қуроли ёрдамида овчилик ва дехқончилик қилишдан тортиб маданият, санъат, фан ва техника ҳамда спорт соҳасидаги юксак кўрсаткичлари тарихий, миллый қадриятлар

хисобланади. Қадриятлар орасида халқимизнинг жисмоний камолот ва гўзаллик рамзи ҳордиқ чиқариш, дам олиш ҳамда жисмоний чиниқтириш ролинн ўйнаган миллий спорт турларининг аҳамияти беқиёсdir. Инсон табиат олдидаги ожизликни бартараф этиш учун жисмоний машқларни бажарган. Инсон яшаш учун кураш билан боғлиқ ташқи хавфга қарши, ўзини жисмоний чиниқтириш билан шуғулланишига мажбур бўлган.

Одамнинг ижтимоий мавжудот сифатидаги ҳозирги қиёфасининг шаклланишида ҳам, шубҳасиз, жисмоний чиниқиши билан боғлиқ турли машқлари, машғулотлари катта роль ўйнаган. Инсоннинг ўзини ўзи жисмоний чиниқтириш тушунчаси, туйғуси, онги спортнинг турли шаклларининг пайдо бўлишига дастлабки туртки бўлган бўлса ажаб эмас. Фақат спорт машқлари туфайли инсон ўзида жисмоний қуч-қувватинигина эмас, балки маънавий руҳи ва уиинг таркибий қисми бўлган баҳодирлик, жасурлик, букилмас ирода каби фазилатларини ҳам шакллантирган.

Кези келганда қуидаги фикрни ҳам эслатиш жоиз, отабоболаримизнинг қадимги авлоди XX-XXI аср одамларига қараган ҳолда, қобилиятсиз, ўқувсиз деб тасаввур қилинади. Бундай тасаввур унчалик тўғри эмас. Ваҳоланки, улар ўз замони, даври, муҳитининг жасур одамлари, етук паҳлавонлари бўлган. Улар яратган барча моддий ва маънавий бойликлар, шу жумладан, спорт ўйинлари турларининг барчаси бизгача етиб келмаган. Ҳатто кейинги 1800 йилда ҳам қўп моддий ва маънавий бойликлар, жумладан, жисмоний машқ билан боғлиқ спорт турлари йўқолиб кетган. Уларнинг баъзи турлари фақат оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиб келган, холос. Чунки босқинчилар катта-катта элатларни жисмоний йўқ қилиш билан бирга уларга хос тарихий анъана, удум, урф-одат, маросимлари, умуман қадриятларини ҳам йўқотиб юборган.

Спортнинг қадимги турларини қадрият сифатида тадқиқ этишда тарихдан кўра мантиқ кўпроқ иш беради. Чунки ўтмиш тарихини, унинг моддий ва маънавий бойликларини, шу жумладан, спорт ўйинлари ва машқлари билан қадриятларни тўлиқ тиклаб бўлмайди. Инсоннинг от билан ҳамкорлиги, очикроғи дўстлик тарихи ҳам узоқ мозийга бориб тақалади. От туфайли қўпгина спорт турлари вужудга келган. От орқали

инсон ўзини янада чиниқтирган, жасурлигини оширган, ёвга қарши курашган, уй юмушларини бажарган, тўй-маъракаларни ўтказган. Эндиликда от билан боғлиқ қўпкари-улоқ чопиш, отда пойга қилиш, отда тўсиқлардан сакраш каби анъаналар спорт турлари сифатида сақланган.

Халқимиз «От ёлига, эшак туёғига йиқитади» деган мақол бор. Мақолда айтилганидек, отдан йиқилган ёки от йиқитган одам унчалик заар қўрмаган ёки жароҳатланмаган. Уруш пайтида от эгасини ташлаб қочмаган. Афсуски, илмий-техника ва ахборот технологияси асрида инсоннинг от билан боғлиқ ўзаро муносабатларига путур етказилмоқда.

Спорт инсоннинг табиий эҳтиёжи сифатида асрлар оша оддийликдан мураккаб турларга томон ривожланмоқда, мукамаллашиб бормоқда. Бу тарихий жараёндир. Инсоннинг фазони забт қилиши нафақат илм-фаннынг, балки спортнинг ҳам аҳамияти катталигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Спортнинг ўтмиши. бугуни ва келажаги ўртасидага ўзаро уйғунликни таъминлаш тарихий миллий қадриятларни тадқик ва таҳлил этишни тақозо этади.

Ҳозирги замон спорти инсонни нафақат катта жисмоний куч соҳиби, шу билан бирга мўъжизакор маънавий сиймо эканлигини ҳам намоён этмоқда. Инсоннинг жисмоний камолоти, маънавияти, етуклиги, руҳий юксаклиги спорт билан боғлиқ жараёндир.

### Мавзуга оид синов саволлари:

1. Спортнинг таъриф-тавсифини беринг.
2. Спортнинг жамиятдаги қандай вазифаларини биласиз?
3. Ўзбек спортининг ривожланишида миллий қадриятларнинг роли ва ўрни нималардан иборат?

# **Спорт фаолиятида тарбия ва унинг хусусиятлари**

## **Режа:**

1. Спорт – шахс шаклланиши ва ижтимоийлашувига кўмаклашувчи восита сифатида.
2. Спортда ватанпарварлик ва халқаро ҳамдўслик тарбияси.

Жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий имкониятлари улканdir. Эмоционал, жисмоний ва ижтимоий аҳамиятли бўлган фаолиятнинг бу турлари халқнинг ижобий тажрибаларини, характернинг қимматли ҳислатларини, шахс хусусиятларини шакллантириш имконини беради. Ўсмирлар, ўспиринлар, қизлар. ёш йигитлар спорт билан шуғулланар эканлар, катта жисмоний ва руҳий юкланишни бошдан кечирадилар. Бундай пайтларда юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтиш иродани тарбиялаш учун шароит яратади. Педагог-тренер томонидан мақсадга қаратилган ва тўғри бошқарилган спорт машғулотлари жараёни қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатади, меҳнатсеварлик, катъиятлик, дўстона қўллаб-қувватлашни намоён этишни талаб қиласди. Спорт фаолиятида иштирок этиш ёш авлодда ташаббускорлик, мустақиллик, ташкилотчилик малакалари, ижтимоий фаоллик. жамоатчиликни тарбиялашнинг яхши мактаби бўлиб ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт фаоллари ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида иштирок этиб, бошқариш санъатига, янги демократик жамият қурувчисининг ахлоқ кодекси талабларига жавоб берувчи шахс хусусиятларини тарбиялашга ўрганадилар.

Спортчиларни ғоявий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт жамоаларининг роли катта. Агар жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларида мақсадга қаратилган тарбиявий ишлар мунтазам олиб борилса, унда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятида, иштирок этиш ёшларни ижтимоий ишларга ҳамда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга кўмаклашади.

Спорт билан шуғулланишни дарс ва меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш қийин. Шу боис уюшганлик, интизомлиликни тарбиялаш, қатъий тартибга ўргатиш

спортчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларда муҳим йурин тутади.

Ўзбекистон Реопубликаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1999 йил 27 май) қарорида жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим тарбиявий аҳамияти таъкидланган.

Бироқ спортда салбий ҳодисалар ҳам юзага келиши мумкин. Бу ҳолат ўқув, меҳнат, ижтимоий бурч иккинчи даражали бўлиб қолиб, спорт ёлғиз мақсадга айланиб қолгандагина юзага келади. Бундай ҳолларда спортнинг аҳамияти кескин пасайиб кетади. Агар спорт фаолиятида тарбиявий таъсир сусайиб кетган, спортчиларга зарур талаблар қўйилмаётган бўлса, ана шундай шароитда, спортчиларда виждонсизлик, спорт этикаси нормаларининг бузилиши, қўполлик ҳамда турмуш ва спорт машғулотларида интизомсизлик, манманлик, бирорни орқа қилиб яшаш вужудга. келади. Тренер ҳамда жамоа томонидан мақсадга қаратилган ҳар кунги тарбиявий иш олиб борилмас, спортчига талабчан ва диққат-эътиборли бўлинмас экан, спортчидаги ғоявий ва маънавий сифатларни таркиб топтиришда сезиларли муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

Спортчиларнинг ишлаб чиқариш илғорлари, шаҳарнинг катта ҳурматга сазовор кишилари, меҳнат ва спорт фахрийлари билан учрашувлари, уларнинг ижтимоий-фойдали ва унумли меҳнатда бевосита иштирок этишлари уларни атроф-муҳит билан, жамият қурилиши амалиёти билан таниширишда катта самара беради. Олимпия ва мамлакат терма командаларининг ишлаб чиқариш жамоалари билан учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиш катта тарбиявий аҳамиятга эга. Афинада ўтказилган XXVIII, Пекинда ўтказилган XXIX Олимпия ўйинларидан сўнг, энг яхши ўзбек спортчилари мамлакатнинг йирик қурилишларида, корхона ва ташкилотларига ўқув юртларида учрашувлар ўтказмокдалар. Уларни ишлаб чиқариш бригадаларида киритдилар, улар мажбурият ҳам қабул қилдилар, унумли меҳнатда бевосита иштирок этдилар. Мамлакатнинг меҳнат ҳаёти билан яқин алоқада бўлиш спортчиларда Ватан ва халқ олдида масъулиятини тарбиялайди. Сўнгги йилларда спортда устозлик ҳаракати—тажрибали спортчиларнинг, спорт

усталарининг ўсмирларга оталик қилишлари, уларга фақат спорт билан шуғуланишларинигина эмас, балки бутун ҳаётларини ташкил қилишда ҳам ёрдам бериш сингари ҳаракатлар кенг қулоч ёзмоқда.

Ёшларнинг, болалар ва ўсмирларнинг спорт ҳаётида, мусобақаларда, байрамларда, олимпиадаларда, спортта оид жамоат ишларида иштирок этишлари уларнинг ҳаётга яқинлашишларида, бошқа кишилар, жамоалар билан алоқа ўрнатишларида, муомала доирасини кенгайтиришларида, ижтимоий муносабатлар тизимиға қўшилиб кетишларида ёрдам бермоқда.

Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги талабидан келиб чиқсан ҳолда, бевосита тренировка фаолиятининг тарбияловчи аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Спорт тренировкаси жараёнида ёш спортчилар меҳнатни севишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга, дўстона ёрдам беришга ўрганадилар. Тренировка вақтида уларга ижтимоий-фойдали меҳнат малакалари сингдириб борилади. Шу мақсадда тренировка жараёнига, мусобақаларга, турли спорт тадбирларига масъулият ва бурч деб қараш зарур, чунки бу йўналиш спортчи шахсининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди, унда актив ҳаётий вазиятни, юксак фуқаролик фазилатларини шакллантиради. Онг ва хулқ бирлигига эришган ҳолда спортчини сўзда ҳам, ишда ҳам ўзбек спорти ахлоқ-одоби руҳида тарбиялаш зарур. Спорт ахлоқ-одоби талабларининг қатъий эътиқодга, ахлоқ-хулқ одатларига айланиши, аниқ ишларда намоён бўлиши лозим. Тренировка чоғидаги ўзаро ёрдам ва астойдил меҳнат, мусобақалардаги соғ спорт кураши, спорт жамоаси ва ундан ташқаридаги ижтимоий фаолият - буларнинг барчаси тарбиянинг таъсирчанлигини таъминлайди.

## **Спортда ватанпарварлик ва халқаро ҳамдўстлик тарбияси**

Спортчилар билан тарбиявий иш олиб бораётганда спорт фаолияти жамиятни, унинг маданиятини, кишиларнинг турмуш тарзини такомиллаштириш вазифалари билан алоқадорлигини тушунтиришга муҳим ўрин ажратилиши лозим.

Спорт билан шуғулланиш ижтимоий мақсадга әгадир, булар: унумли мәхнатта ва Ватаниң ҳимоя қилишга тайёрлик; жисмоний, иродавий ҳамда ахлоқий фазилаттарни ҳар томонлама ривожлантириш, тұлақонли бүш вақтни ташкил қилиш, жамоа фаолият малакаларини ҳосил қилиш учун шартшароитни таъминлашдир. Ўзбекистон Республикасидаги күп миллатли спорт ҳаракатида турли миллат ва халқ вакиллари орасыда халқаро ҳамдүстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш каби ижтимоий аҳамиятта молик вазифалар ҳал қилинади. Күп миллатли спорт жамоаларидаги ўзига хослик шундаки, шахслараро ҳарактер муносабатлари уларда миллатлараро муносабат ифодаси билан боғланиб кетади. Бу эса бизнинг күп миллатли давлатимизга янги ҳуқуқий демократик жамиятимизга хос хусусиятдир. Күп миллатли жамоа яна шу билан ҳарактерланадики, унда халқаро ҳамдүстлик муносабати соҳасида унинг аъзолари томонидан ғоявий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар фаол ўзлаштириб олинади. Негаки, бизнинг жамиятимиз бундай имкониятларга тұла-түкис әгадир, бу эса янги жамият кишилари - Ўзбекистон халқининг янги тарихий муносабатини шакллантиришга күп жиҳатдан қўмаклашади.

Спортчилар тренернинг раҳбарлиги остида тренировка ва ижтимоий-фойдали фаолият жараёнида умумтаълим мактабларида эгаллаган халқаро ҳамдүстлик муносабатларининг моҳиятига доир билимларини чукурлаштирадилар, спорт ҳаракатининг халқаро миқёсдаги аҳамиятига оид билимларни ўзлаштириб оладилар.

Сиёсий ахборотлар, маъruzалар ва сұхбатлар бу мақсадга хизмат қиласи. Буларни тренерлар, махсус таклиф қилинган нотиқлар ва ниҳоят, спортчиларнинг ўзлари ҳам ўтказадилар, Халқаро ҳамдүстлик тарбиясининг ҳамма эътироф этган бу шакллари спорт фаолиятига бағищланган ўзига хос мазмунга әгадир.

Кўпинча мана бундай маъruzаларда: «Алпомиш ва Барчиной» яхлит машқларининг ғоявий-сиёсий ва тарбиявий йўналганлиги», «Турли босқичли мусобақалар», «Хозирги замон олимпиада ҳаракатлари» ва бошқалардан фойдаланилади. Бундай маърифий ишлар мавзуга оид кўргазмаларни яратиш билан боғлиқ амалий ишларни ташкил қилиш «Алпомиш ва Барчиной» яхлит машқлари бўйича ўтказиладиган меъёрий

синов мусобақалари – ёшлар тарбияси хизматида», «Спорт-дунё элчиси» ва бошқалар билан түлдирилади. Күргазмалар учун материаллар танлаш ва уларни безаш спортнинг ватанпарварлик ва халқаро ҳамдўстлик тарбияси тўғрисидаги тасаввур доирасини кенгайтиради.

Бу ишда турли миллат спортчиларининг тренировка ва мусобақа чоғидаги интернационал ахлоқи ва муносабатларини ўзида акс эттирадиган сұхбатларга анчагина ўрин берилади. Ватанпарварлик ва интернационал ахлоқ намунасини кўрсатувчи машҳур спортчилар қатнашган сұхбатлар бу ўринда, айниқса, алоҳида самара беради. Сұхбатлардан турли миллат спортчиларининг бевосита спорт тренировкаси ва мусобақалари чоғидаги ножӯя ҳатти-харакатларини йўқотиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

А.С.Макаренко, тарбиячи ўзида яхши одатларнинг пайдо бўлиши учун турли ҳатти-харакатларни доимий равишда машқ қилишга интилиши лозим, деб ёзганди.

Интернационал ахлоқ ва инсоний муносабат тажрибалари тўпланиб бориши учун шарт-шароит яратиш тренернинг асосий вазифаси бўлиши даркор.

Агарда мақсадга қаратилган маъруза ва сұхбатларда келтирилган далиллар амалий фаолият билан мустаҳкамланиб борилсагина, ёш спортчиларда инсоний ва интернационал муносабатлар тўпланади. Бундай тажриба турли педагогик тарбия усулларини, спортдаги устозликнинг ўзига хос шаклларини, маҳсус педагогик вазиятлар ва бошқалар билан юзага келтирилган шароитда спортчилар томонидан биргаликда бажариладиган топшириқларни қўллаш билан таъминланади. Спортдаги устозлик спортга янги келган ёки кам тажрибага эга бўлган спортчига у ёки бу кўринишдаги спорт техникасини эгаллаб олишда, тренировка режасини тузишда, спорт машғулотлари кун тартиби ва шу кабиларда ёрдам бериш учун жамоадаги бирор кишини бириктириб қўйишдан иборатdir. Жамоанинг таркиби кўп миллатли бўлган шароитда, болалар иккита ва уттадан шерик қилиб бириктирилганда улар турли миллат вакилларидан иборат бўлиши лозим. Бу усул тор спорт тайёргарлигидан бошқа вазифаларни, яъни халқаро ҳамдўстлик тарбияси, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва ғамхўрлик вазифаларини ҳал қилишга қўмаклашади.

Тренерлар спортдаги устозликни дастлаб гурухларда ташкил қиласылар, кейинчалик эса спортчиларнинг ўзлари бундай оталикни мустақил равишда ўз зиммаларига оладилар.

Турли миллат спортчиларининг дўстлиги намунасида гурухларда умумфикр қарор топади, жамоавий фаолият уларни яқиласытириб, бирлаштиради ва энди бу даврга келиб миллий мансублик дўстлашиш учун ғов бўла олмайди, балки ўртоққа талабчанлик, унга ҳурмат чин дўстликнинг ифодаси бўлиб қолади. Кўп миллатли жамоалардаги халқаро ҳамдўстлик тарбиясининг педагогик усулларидан бири сифатида биргаликдаги топшириқни бажариш ҳам турли миллат ва турли савиядаги болаларни бирлаштиришдек ҳамдўстлик тарбияси принципларига асосланади. Тренер ёш спортчиларга бирор топшириқ берар экан, болалар диққатини бу иш бутун жамоа учун катта ва муҳим аҳамиятга эга эканлигига, умумжамоа ва ҳар бир ўртоқнинг муваффақияти унинг қанчалик мазмунли бажарилишига боғлиқлигига қаратади. Жамоат топшириқларининг бажарилиш сифати бутун жамоа билан муҳокама қилинади. Топшириқ спортчиларнинг куч ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда берилади. Топшириқ бажарилаётган вақтда тренер ўсмирларнинг ҳаракатини назорат қиласи ва камчиликларни тузатиб боради. Ана шундай топшириқлар сирасига қуйидагиларни: тренировка учун спорт асбоб-ускуналари ва жиҳозларини тайёрлаш, деворий газета чиқаришни, спорт залидаги навбатчиликни, спортчиларнинг индивидуал кундаликларини тайёрлаш ва ўзаро текширишни, жисмоний машқлар техникасини ўрганиш учун кўргазмали қўлланмаларни тайёрлашни, мусобака олдидаги ўйиннинг тактик варианtlарини ишлаб чиқиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тарбиянинг шундай усулларини қўллаш чоғида тренер асосий диққатини бериладиган топшириқ ижтимоий характерга эга бўлишига, уларни спорт жамоасининг асосий фаолияти мақсадлари билан боғлашга, юқори спорт натижаларига эришишга, тренировка жараёни ва бошқаларни такомиллаштиришга қаратади. Тренер топшириқларни бўлиб берар экан, тарбияланувчиларнинг индивидуал хусусиятларини, майл ва қобилиятларини ҳисобга олмоғи лозим.

Ўз фикр-мулоҳазалари ва ҳатти-ҳаракатларида салбий, баъзан миллий худбинликка йўл қўйган ўсмирларни қайта

тарбиялаш жараёнида бундай хулқ-атворининг келиб чикиш сабабларини аниқлашга алоҳида аҳамият берилиши зарур. Сабаблар аниқлангач, ўшанга мувофиқ келувчи у ёки бу педагогик таъсир қўрсатиш усувлари танланади.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига раҳбарлик қилишда дикқат спортчиларда ўзини тута билиш ва ўзини йўқотмаслик, спортда муваффақиятсизлик ва мағлубиятга учраганда ўз салбий ҳис-ҳаяжонини ушлай олиш кўникмасини ҳосил килишга, муваффақиятсизлик сабабларини тўғри таҳлил қила олиш, спортда ғалабага эришган пайтда ўзини камтарона тутиш кўникмасини шакллантиришга, бир сўз билан айтганда, барча вазиятларда ўзини баодоб ва назокатли тутишни ўргатишга қаратилади.

Ижтимоий фойдали фаолиятнинг ҳамдўстлик ёзишмалари, дўстлик кечаси, саёхлик, мунозаралар, адабиётларни ўқиш ва муҳокама қилиш, шанбаликларда, бирдамлик митингларида, намойишларда қатнашиш сингари кўринишларига ҳам муайян ўрин ажратилади.

Тренерлар ишнинг ахборот қисмини спортчиларнинг у ёки бу тадбирларда амалий иштироки билан мустаҳкамлай бориб, уларда эътиқод, интернационал туйғу ва хулқ-атворни шакллантиришда бирликка эришадилар. Масалан, маъруза, суҳбат орқали эгаллаб олинадиган спорт соҳасидаги халқаро ҳамдўстлик алоқаларига доир билимлар ёш спортчиларнинг турли миллатдан бўлган машҳур спортчилар билан, ўз тенгдошлари билан ва бошқа мамлакат ҳамда МДҲ республикалари ёш спортчиларининг ёзишмалари билан қўшиб олиб борилади.

Шундай қилиб, тарбия мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. У тарбиянинг ижтимоий вужудга келган мақсадларини ҳар бир педагог-тренер тушуниб етишини; бу мақсадларни ўқувчиларнинг ёши ва тарбияланганлик даражасига қараб аниқлаштира билишни; тарбиянинг вазифалари ва мазмунини белгилашни ҳамда тарбия вазифаларини ҳал қилишнинг бирмунча оқилона методларини танлашни: ўз тарбиявий фаолияти натижаларини мунтазам таҳлил қилиш ва салбий ҳодисаларнинг ўз вақтида олдини олишни талаб қиласди.

## **Спорт машғулотлари - спортчиларни тайёрлаш омили**

Спортчиларнинг ёшидан, малакасидан қатъий назар, уларнинг даврий тайёргарлиги тайёргарлик даврининг биринчи кунидан бошлаб кейинги махсус тайёргарлик учун жисмоний, руҳий, техник замин яратувчи машқлар асосида тузилади. Спортда тайёргарлик даври таҳминан 5 ой давом этади. Спортчининг жисмоний тайёргарлик даражаси паст бўлганда, мутахассислиги бўйича организмнинг муҳим функционал тизимларини, шаклларини қайтадан ривожлантириш талаб этилади. Кўлланиладиган машқлар йўналиши ва таркиби жиҳатидан мусобақа машқларидан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин, олдига қўйилган мақсад шаклланиш қонуниятларига мос ҳолда спортчини ҳар томонлама тайёргарлик билан таъминлашдан иборатdir.

Тайёргарликнинг вазифаси спорт қўрсаткичи даражасини аниқловчи ҳаракат сифат мажмуаларини ривожлантириш эмас, балки асосий омиллардан фойдаланиш имкониятларини оширишdir. Бу шуни кўрсатадики, умумтайёргарлик машқларига яқин бўлган махсус тайёргарлик машқлари кенг кўлланилади. Восита ва методлар ўзгариб боради: шакл жиҳатидан мусобақа машқларига, ҳарактер ва тузилиши жиҳатидан организмга таъсир қўрсатиш даражасига яқин бўлган мусобақа ва махсус тайёрловчи машқлар сони кўпайтирилади.

Тайёргарлик даври икки босқичга бўлинади: умумтайёргарлик ва махсус тайёргарлик босқичи. Уларнинг қанча вақт давом этиши кўп жиҳатдан спортчи малакасига ва микроциклнинг турига боғлиқ. Масалан, икки цикллик режалаштиришда, биринчи микроцикл умумтайёрловчи босқичнинг узок вақт давом эшши ва махсус тайёргарлик босқичининг қисқа вақт давом этиши билан ҳарактерланади. Иккинчи микроциклда аса бунинг акси.

Юқори малакали спортчиларни тайёрлашда одатда босқичлар режалаштирилади, малакаси етарли бўлмаган спортчиларда эса бунинг акси.

## **Умумтайёргарлик даври**

Бу босқичнинг асосий вазифаси спортчининг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини кўтариш, организмининг асосий функционал тизимлари имкониятларини кўпайтириш, керакли бўлган спорт-техник ва психологик сифатларни ривожлантиришдан иборат. Бу босқичда спорт кўрсаткичлари яхшиланиб, кейинги спорт фаолияти учун асос солинади. Тайёргарликнинг махсус қисми шундан иборатки, ҳал қилиш меъёрида унга таъсир этадиган алоҳида сифатларнинг ривожланиш даражасини оширади: (Адиназин три фосфат АТФ) аэроб ва анаэроб ресинтези имкониятларига таъсирларни алоҳида эътиборга олиш керак. Ишчи ҳаракатларнинг тезкоркучли ривожланишига, ҳаракат техникасини такомиллаштиришга, нафас олишнинг унумдорлигига, ишнинг тежамлилигига ва бошқаларга эътибор бериш лозим. Бу босқичда махсус тайёргарликнинг муҳим вазифаси— спортчининг катта юкланишларга бардош бериш даражасини оширишдан иборат.

Бу босқичда махсус тайёргарлик жараёнини ташкил қилишга қаратилган даврий талабларни ҳисобга олган холда, биринчи режа мусобақа машқлари бўлиши керак. Мусобақа машқлари бажарилган умумий иш ҳажмининг кичик қисмини ташкил қиласди.

Машқлар самарадорлиги мусобақа машқлари ҳажмига боғлиқ эмас. Бундан ташқари, мусобақа машқларидан кўпроқ фойдаланиш ёрдамчи ва махсус тайёрловчи машқларга салбий таъсир кўрсатиб, спорт кўрсаткичларининг пасайиб кетишига таъсир этиши мумкин.

## **Махсус тайёргарлик даври**

Бу босқичдаги машғулотлар спорт тайёргарлик даражасини, шаклини эгаллашга йўналтирилади. Бунга эришиш учун мусобақа машқларига яқин бўлган махсус тайёргарлик ва мусобақа машқлари кучайтирилади. Машқлар мазмуни биринчи босқичда вужудга келган база асосида барча ҳаракат сифатларини тарбиялашдан иборат. Бундан ташқари, машқ даврида бажарилган ишнинг умумий ҳажмини махсус иш

қобилиятини оширувчи ихтисослаштирилган воситаларга ажратилади.

Мусобақа техникасини такомиллаштиришга катта ахамият берилади. Бу вазифа одатда жисмоний сифатларни тарбиялаш билан биргаликда икки йұналишда олиб борилади:

Тезлик қобилиятини ошириш асосида ҳаракат күнімаларини такомиллаштириш.

Махсус чидамлиикни ошириш асосида ҳаракатни, усулни тежамли ва тез үзгартира олиш усулларини ишлаб чиқиши.

Бу босқичда мусобақа машқлари нотекис тақсимланади, босқич охирига бориб, унинг сони ошиб боради. Бу ҳар хил махсус тайёргарлик машқларига ҳам тегишли. Босқич бошида улар мусобақа машқларидан узокда бўлиб, махсус тайёргарлик томонларига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу босқичда олдин эришилган умумжисмоний тайёргарлик даражасини сақлаб қолиш зарур. Бу эса машғулотларда чидамлиикни ўстиришнинг воситалар таркибини махсус тайёргарлик машқларига яқинлашувчи машқларнинг солиштирма оғирлигини ошириш ҳисобига үзгартирилади ва эришилади.

## Мусобақа даври

Мусобақа даврининг асосий вазифаси зришилган махсус тайргарлик даражасини ошириш ва уни мусобақаларда қўллай билишдан иборат. Бу вазифа мусобақа машқлари ва унга яқин бўлган махсус тайёргарлик машқлари ёрдамида амалга оширилади.

Мусобақа даврида махсус тайёргарлик жараёни асосий мусобақалар тақвимига мос ҳолда тузилади. Одатда, бундай мусобақалар юқори малакали спортчилар учун 2-4 та бўлади. Шу билан бирга, бу мусобақаларда ҳамма конкрет хусусиятлар, спортчи олдида турган вазифадан бошлаб, қатнашувчи спортчиларнинг таркибигача ҳисобга олинади. Қолган ҳамма мусобақалар машқ вазифасини ўтайди, бу мусобақаларга қоида бўйича махсус тайёргарлик кўрилмайди, уларнинг ўзи асосий мусобақалар тайёргарлигида муҳим халқа ҳисобланади. Бу мусобақаларнинг бир қисми спорт тақвими асосида ўтказилади. Бир қисми эса назорат қилиш сифатида ташкил қилинади.

Мусобақалар тайёргарлигининг методикасига асосий мусобақаларнинг давом этишлиги, курашлар сони, спортчиларнинг якка хусусиятлари таъсир кўрсатади. Масалан, машқ жараёнининг олдинги даврларида мусобақа юкланишларига аналогик (ўхаш) бўлган юкланишлар бериш талаб этилади. Тахминий мусобақа фаолиятининг характери маҳсус тайёргарлик вазифаларини ҳал қилувчи микроцикларни режалаштиришни ҳисобга олиши зарур. Айрим микроцикларда бирданига бир неча юкланишлар қўлланилиши мумкин. Бу юкланишларнинг ҳар бири олдинги юкланишда юзага келган чарчоқни енгиллаштириши керак.

Асосий мусобақаларга тайёрланишда яна бир нарсага эътибор бериш керак. Олдин айтиб ўтилганидек: машқ жараёнида спортчидаги кун мобайнида маҳсус ишchanликнинг маълум тебранишлар мароми юзага келади. Маҳсус ишchanликнинг энг юқори кўрсаткичи, машқ машғулотларининг оддий бир вақтида қайд қилинади. Шунинг учун мусобақаларнинг тахминан куннинг қай вақтида бўлишига қараб, асосий машғулотларни назорат қилиш мумкин, айнан куннинг шу вақтида ташкил қилиниши жуда ҳам муҳимдир.

Мусобақа ўтиш жойининг жуғрофий жойлашуви ва кунлик режимлар алоҳида тайёргарликни талаб этиши мумкин. Шунинг учун асосий мусобақаларга тайёргарлик ва катнашишни режалаштиришда ишchanлик эгри тебранишларини олдиндан шундай ўзгартириш керакки, бу тебранишларнинг энг юқори нуқтаси мусобақа вақтига тўғри келсин. Агарда мусобақа вақти олдиндан маълум бўлмаса, ёки спортчи 3-5 соат ичидаги бир неча спорт турларида қатнашса, асосий машқ машғулотларини ва назорат қилинувчи мусобақаларни ҳар хил вақтларга режалаштириш керак.

Мусобақа муддатларига мос ҳолда ишchanликнинг бир маромда тебранишларини қайта кўриш бир неча микроцикларни (3-5 та) маҳсус режалаштиришни талаб этади.

Микроцикларнинг шундай тузилмаси керакки, мусобақаларда қатнашиш циклининг кунлари билан мос келсин, Бу спортчининг мусобақага қатнашиш кунларида юқори ишchanлик билан таъминловчи шартли-рефлектор йўқлигининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Мусобақа даврида терма командалар таркибида Европа, жаҳон Олимпия ўйинларида қатнашишга тайёргарлик кўраётган ҳалқаро тоифадаги спорт усталари машқлари мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ҳолларда қоида бўйича бир қатор йирик мусобақалар бўлади.

Кейинги йиллардаги амалиёт кўрсаткичи асосий мусобақаларга тайёргарлик босқичларида қулай тузилган машқ асосида фақатгина шахсий ютуқларга эришганлар эмас, балки кўрсаткичларнинг ўзгариб боришини таъминлаш лозим.

Спортчилар мавсумнинг асосий мусобақаларида энг юқори кўрсаткичларини кўрсатибгина қолмай, балки кўрсаткичларини ошириш учун ҳар хил сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган машқларнинг бир-бирига қулай ва мос келишини аниклаш; катта юкланиш ва тўлиқ дам олишни вужудга келтириш; машқ юкланишларини, тикловчи омилларни ва овқатланишни ягона жараён сифатида тасаввур қилиш, мусобақа жараёнида спортчини аниқ спорт турига яхши тайёрловчи физиотерапевтик ва психологик тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарур.

Республика биринчилиги ва йирик мусобақалар орасидаги даврга боғлиқ тайёргарлик босқичи давом этиш вақти 5-8 ҳафта орасида бўлади. Бу одатда, иккита мезоциклдан тузилади. Булардан биринчиси, катта қўшилган юкланиш билан спорт ютуқларининг юқори кўрсаткичларини белгиловчи сифат қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтирилган, иккинчиси, тўлиқ тикланишга кўнишиб жараёни учун энг қулай шароитларни таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Мавсумнинг асосий мусобақаларига тайёргарлик босқичининг биринчи 4-5 куни фаол дам олишга ва оғир стартлардан кейинги жисмоний ва руҳий тикланишга бағишлиданади. Сўнгра 3-4 ҳафта давом этадиган мезоцикл режалаштирилади. Одатда у, иккита (вақти бўйича) бир хил бўлимга бўлинади.

Биринчи бўлимда машқ макон характерида бўлади ва кўпинча тайёргарлик даврининг биринчи босқичидан машқ қайтарилади. Ҳар кунги машқ одатда кун мобайнида 3-4 машғулот давомида 5-7 соат вақтни эгаллайди. Мезоцикл дастурнинг аралаш бўлимидаги назорат қилиш мусобақалари билан тугайди. Юкланишнинг асосий параметрлари бўйича бу

мезоциклда машқ спорчи организмига жуда кучли ва маҳсус таъсир билан характерланади. Мезоциклнинг катта юкланишлари спорчи организмининг мослашув билан боғлиқ ўзгариш пайдо қила оладиган руҳий зарба ҳолатига олиб бориш билан белгиланади. Бу вазифани ҳал қилишда кўпинча машқларни спорчи организми тизимларига қўшимча талаблар қўювчи ўрта баландлик (денгиз сатҳидан) тоғли шароитларида ўтказиш асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Маконли мезоциклдан сўнг мусобақа олди мезоциклни келади. Бу мезоциклнинг асосий вазифаси олдинги мезоцикл юкланишларидан организмни тиклаш, асосий мусобақаларга руҳий тайёргарлик қўриш, спорчи вақтларини ҳисобга олган ҳолда маҳсус ишchanлик тебранишларининг маълум мақомини ишлаб чиқишидан иборат. Бу мезоциклда иш ҳажми бирданига камайтирилади. Тайёргарлик якка ҳолат касб этади. Спортчиларнинг юқори ишchanлигини ушлаб турувчи тикланиш воситалари кенг қўлланилади. Техник-тактик, руҳий тайёргарликлардаги майда камчиликларни йўқ қилишга катта эътибор берилади.

Жаҳон амалиётида мусобақаларга тайёргарликнинг яна бир шартли чизмаси ишлатилади. Бу чизма 6 хафтани ташкил этади.

Иккита уч хафталик мезоциклга бўлинади.

Биринчи мезоциклда умумтайёргарлик бўлими йўқ иш маҳсус характерда бўлади, юкланиш эса микроциклдан микроциклгача доимий равишда камайиб боради. Кунлик иш ҳажми 3-5 соатни ташкил этади. Иккинчи мезоциклда иш ҳажми 1-3 соат оралиғидаги қўшимча ишнинг қўшилган ҳажми йилнинг бошқа даврларига нисбатан 50-60 фоизни ташкил этади, шиддат энг юқори катталиkkача кўтарилади. Спортчининг ҳар томонлама тикланиши катта аҳамият касб этади. Фақат охирги мезоцикл давомида тўлиқ жисмоний ва руҳий тикланишга эришилганда гина яхши кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Асосий мусобақаларга тайёргарлик босқичи тузилишининг бу вариантлари кенг қўлланиб кўрилган.

Тайёргарликнинг бу шаклидан ташқари, кейинги йилларда жаҳон амалиётида кўп учраб турадиган тайёргаликнинг бошқа шакли ҳам муваффақиятли рақобатни ташкил этаяпти. Бу шакл тайёргарлик саралаш мусобақалари мавсумининг асосий спорт ўйинларидан бир оз олдин ўтказилади.

Мамлакат чемпионатига кескин махсус тайёргарлик амалга оширилади. Шундан сўнг, команда таркибига олинган спортчилар мусобақа олди мезоцикл принципи асосида тузилган машғулот асосида 2 ҳафта машқ ўтказадилар.

## Ўтиш даври

Ўтиш даврининг асосий вазифалари қаторига машқ ва мусобақа юкланишларидан сўнг тўлиқ дам олиш, шунингдек, кейинги макроцикл бошланишига спортчининг юксак тайёргарлигини таъминлаш киради. Бу даврда жисмоний ва руҳий тикланишга алоҳида эътибор бериш керак. Бу вазифалар ўтиш даврининг давомийлигини, қўлланилган воситаларнинг таркиби ва методини, юкланишларнинг динамикасини белгилайди.

Ўтиш даврининг давомийлиги одатда 3-4 дан 6-8 ҳафтагача бўлади ва спортчи кўп йиллик тайёргарлигининг қайси даврдалигига, йил мобайнида машқларни режалаштириш тизимига, мусобақа даврининг давомийлигига, асосий мусобақаларнинг мураккаблигига, спортчининг якка хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Амалиётдан ўтиш даврида ҳар хил ёндашишлар пайдо бўлади. Биринчи ёндашиш фаол дам олиш бирлигини таъминлайди. Масалан, кўпгина америкалик сузувчилар асосий мусобақалардан сўнг 1,5-2 ойга машқни тўхтатадилар.

Иккинчи ёндашиш бир неча кунгина фаол ёки суст дам олишни, кейин эса кескин машқ қилишни талаб этади.

Бундай ёндашиш оралиқ ҳисобланади ва фаол дам олиш воситаларининг кенг қўлланиши билан боғлиқдир. Шунингдек, махсус бўлмаган юкланишлар билан ҳам боғлиқ.

Бу вариантларнинг ҳар бири самарали бўлиши мумкин. Масалан, биринчиси кейинчалик бир неча вақт давом этадиган тикланишни талаб этадиган спортчининг функционал имкониятлари маълум даражада пасайишига олиб келса, бироқ руҳий имкониятларини тўлиқ тиклашга имкон беради. Бундай ёндашиш юқори кўрсаткичларни саклаш босқичидаги юқори малакали спортчилар машғулотини режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи вариант қандайдир сабаблар билан олдинги макроцикл дастурини бажармай қолган ва режалаштирилган юкланишларни олмаган спортчилар учун фойдалидир. Бирок, бу вариантни қоида бўйича маълум ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Машқ жараёни қонун бўйича олиб борилганда, уни тузиш учун учинчи вариант қўлланилади. Бу вариантнинг афзаллиги ўтиш даврининг асосий вазифасини самарали бажариш билан боғлиқ.

Ўтиш даври машқи катта бўлмаган иш ҳажми ва кичик юкланишлар билан характерланади. Масалан, тайёргарлик даври иш ҳажмига нисбатан 3 марта камайтирилади.

Машғулотлар сони ҳафталик микроцикл мобайнида 4-6 мартадан ошмайди ва катта юкланишлар режалаштирилмайди. Ўтиш даврининг асосий мазмуни фаол дам олишнинг ҳар хил воситалари ва умумтайёрловчи машқларини ташкил этади.

Бу даврда комплекс йўналган ҳар хил ҳаракат сифатларини ривожлантирувчи воситаларни қўллаб машғулотлар ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтиш даврининг охирида юкланиш ошиб боради, фаол дам олиш воситалари ҳажми камайиб боради, умумтайёргарлик ва ёрдамлашувчи машқлар сони ортади. Бу навбатдаги макроцикл тайёргарлик даврининг биринчи босқичига ўтишни бир мунча осонлаштиради.

Ўтиш даврининг йўналиши ва мазмуни спортчи шуғулланаётган кўп йиллик тайёргарликнинг босқичи билан боғланган. Ёш спортчиларнинг бошланғич тайёргарлик машқларида ўтиш даври машқлари аниқ берилмаган. Мазмуни, юкланишлар катталиги жиҳатидан тайёргарлик даврининг биринчи қисмига яқин. Мутахассислигига яқинлаштирилган маконий тайёргарлик босқичида ўтиш даври аниқ берилган. Бироқ ўтиш даври якка имкониятларни тўла амалга ошириш босқичида ва юқори кўрсатгичларни сақлаб қолишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўтиш даврини тўғри тузиш, спортчи олдинги микроциклдан сўнг кучларини тўлиқ тиклаб, тайёргарлик даврига фаол ишга ҳозирлик кўрибгина қолмай, балки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан унинг тайёргарлик даражаси юқори кўтарилишини таъминлайди.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашуvida спортнинг ролини изоҳланг.
2. Спортдаги ватанпарварлик ва ҳамдўстлик тарбиясининг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?

## **Жисмоний тарбия ва спорт қадриятлари таълим-тарбия мезони**

**Режа:**

1. Миллий қадриятларимизнинг тикланиши – жисмоний тарбия ва спортивиз ривожланишининг асоси.
2. Қадриятларимизнинг тикланишида ўзбек олимларининг роли.
3. Қадриятларнинг турлари ва уларнинг моҳияти.

Қадим замонларда одамларнинг онги ва тафаккури бир оз саёз бўлсада, олам сирларини билишга қизиқиш кучли бўлган. Шунинг учун қадимга аждодларимиз ташки куч билан ўзи ўртасидаги мувозанатни сақлашга интилиб, тез югуриш. тўсиқлардан ошиб ўтиш, узунликка сакраш, найза улоқтириш каби малакаларни ошириб, соғлом, бақувват ва кучли бўлиб борган. Ана шу ҳаётӣ мувозанат жамият тараққиётига ҳам таъсирини ўтказган. Аждодларимиз ҳаётида кўлланилган жисмоний сифатлар ўз қадриятини йўқотмай, балки уларни ҳаракатли ўйинлар тариқасида жисмоний маданият дарсларида кўлланиб келаётганини кўрамиз.

Мустақиллигимиз шарофати билан йўқолиб бораётган миллий маданият ва қадриятларимиз тикланди хамда жисмоний тарбия ва спортга қизиқиш ривож топди.Халқимиз маданияти гавҳари бўлган қадриятлар қиличбозлик, чавондозлик, чим устида чавгон ўйини, миллий кураш, от устида чавгон ўйини, улоқ каби спорт ўйинлари «Наврӯз» ва бошқа турли байрамларда кенг намойиш қилинмокда. Бу ўйинлар ёшларнинг нафақат сиҳат -саломатлигини тиклашда муҳим бўлиб, айни бир пайтда уларни

иш билармонликка, эпчиликка, мاشақкатни енгишга, чидам ва қатиятликка ўргатувчи спорт турлариdir.

Ўғир янчиш, кўзада сув келтириш, копток ўйинлари, арғимчоқ учиш, “тортишмачоқ”, “оқ теракми-кўк терак” ўйинлари қизларни уй ишларини қийналмасдан бажариш, бардошли ва иродали бўлишида муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда болалар шуғулланаётган кураш, карата отабоболаримиздан қолган кураш тури эканлигинн яхши биламиз. Ҳатто «Алпомиш» достонида ҳам Алпомишининг бошқа алплар билан курашини томоша қилган бола ўзи ҳам Алпомишдек паҳлавон бўлишни орзу қилмайди деб бўладими? Ёки «Гўрўғли» достонини ўқиган ўқувчи якка кураш ва қиличбозлик машқини пухта билган Гўрўғли ўзи ва отини асирикдан қутқариш учун ўзи юзлаб душманларни енганлигининг гувоҳи бўлади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ва бошқа тарбия ўчоқларида спорт фахрийлари, таникли паҳлавонлар билан тез-тез учрашувлар ёш авлоднинг ҳаётида, қалбида сўнмас из қолдиради, спорт ва жисмоний тарбиянинг самарали таъсирини оширади.

Томирларида не-не Алп паҳлавон боболаримизнинг қони оқаётганини исбот қилган спортчиларимизнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бокчиларимиздан Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Рустам Саидов, эркин курашчи Артур Таймазов ва бошқалар эли, юрти, халқининг шон-шавкатини жаҳонга кўз-кўз қилди. Бу миллий қадриятларимизнинг роли бекиёслигидан далолатдир. Спортни севган, унинг ҳаётдаги кашф этувчи кучига ишониб яшаган, ҳар бир одам машғулот майдонини тарқ этмаса, у ўқувчими, талабами, ишчими албатга спортда маҳорат ва тажрибасини ошириб бориб, чемпион даражасига эришади. Спорт одамга ўз-ўзинн англаб етишни, ўзи ва ўзгаларни қадрлашни, ҳаётдаги гўзалликни ҳис этиб яшашни ўргатиб, уни комил инсон даражасига етаклайди. Бундан ташқари, спорт билан шуғулланган одамнинг юраги бақувват, танаси соғлом, руҳи тетик, иродаси мустаҳкам бўлади.

Шундай қилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Қадрият нима, уларнинг моҳияти нимадан иборат? Ушбу саволларга олимлар турлича жавоб берган бўлсада, уларнинг барчаси бир-бирига ўхшаш ва умумийликка эга. Бунинг боиси қадриятлар инсон ҳаётн билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Қадриятларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш борасида дунё олимлари қаторида Республика олимлари томонидан ҳам кейинги йилларда бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Буларни илмий адабиётлар, мақолалар, рисолаларда учратиш мумкин. Бу борада академик Ж.Туленов, профессорлар М.Муродов, У.Қорабоев. И.Жабборов. Т.Жовлиев кабиларнинг ишлари эътиборлидир. Қадриятларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти ҳақида профессорлар Х.Ҳомидов О.Мусулмонова. С.Нишонова, М.Имомова, М.Давлетшин. Н.Махмудов. С.Анамуродова, Д.Шарипова, Ф.Насретдинов, Т.Усмонхўжаев, Ҳ.Рафиев, А.Атоев, Р.Абдумаликов, Х.Мелиев, Ж.Тошпўлатов, Ў.Иброҳимов бошқаларнинг ишлари алоҳида ўрин тутади.

Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Инсон ва уннинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон бўлмаган жойда ҳеч бир нарсанинг қадр-қиммати бўлмайди. Щунинг учун ҳам инсон қадрини эъзозлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, маданий савиясини ўстириш, умуман олганда соғлом турмуш тарзи кечиришинн таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу борада Республикаизда мустақилликдан кейин кишиларининг ҳуқуqlари, эркинликлари ва миллий қадриятларини эъзозлаш, соғлом турмуш тарзи кечириши бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Қадриятларни инсон ҳаёти учун хизмат қилишига қараб куйидаги турларга бўлиш мумкин;

- табиий қадриятлар (ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво. ўсимликлар, ҳайвонот дунёси)

- ижтимоий-сиёсий қадриятлар (эркинлик, тенглик, биродарлик ва бошқалар). Инсон эркинлиги ва уннинг қадр-қимматини қонун асосида белгилаб бериш, уни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида куйидаги сўзлар билан ифода этилган: «Ўзбекистан Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, уннинг ҳаёт эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуqlари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

- маданий-маърифий қадриятлар турига таълим-тарбия, адабиёт, тиббиёт, тил, миллий мерос, санъат, хунармандчилик маҳсулотлари, тарихий ва маданий ёдгорликлар, ҳалқ удумлари, ўйинлари, маросим ва урф - одатлари киради.

Қадриятлар масаласида академик Ж.Туленовнинг қарашларига қўра қадриятларни миллий, минтакавий ва умуминсоний қадриятларга бўлиш мумкнин. Ж.Туленовнинг бу қарашларига тўла қўшилиш мумкин, чунки қадриятларнинг барча турларн ҳам миллийликдан минтақавийликка ва умуминсонийликка қараб боради.

Минтакавий қадриятларга мисол тариқасида бизнинг ҳудудимизда истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркманларга хос бўлган умуминсонликка эга бўлган барча қадриятларнн айтиш мумкин. Марказий Осиё ҳалқларининг иқтисодий, маданий, маънавий муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Шуни эътироф этиш керакки, мазкур ҳалқларнинг шахс тарбияси билан боғлиқ анъаналари, қадриятларида ҳам уларни бир-биридан ажратиб олиш мумкин эмас. Тарбиянинг бу анъаналари қуйидаги ҳолларда намоён бўлади:

- диний тарбия анъаналари;
- ватанпарварлик тарбияси;
- катталарга хурмат, кичикларга иззатда бўлиш;
- оиласий муносабатлар (эр, хотин);
- ота-она ва фарзандлар муносабати;
- қариндош-уруғчилик муносабатлари;
- табиат ва жониворларга бўлган муносабат;
- жисмоний тарбия анъаналари ва бошқалар.

Марказий Осиё ҳалқлари тарбия усулининг ажралмас асосий қисми ҳисобланган жисмоний тарбия билан боғлиқ қадриятлар ва анъаналари қуйидаги умумийликка эга:

- Жисмоний тарбия воситаларининг умумийлиги.
- Жисмоний тарбияни амалга ошириш усусларининг умумийлиги.


- Шахс жисмоний баркамоллигини улуғлаш ва қадрлашдаги ҳис-туйғуларнинг умумийлиги.

- Ҳозирда дунёга юз тутаётган миллий спорт турлари (кураш, чавандозлик, улоқ-кўпкари кабилар)нинг умумийлиги ва бошқалар.

Юқорида зикр этилган жисмоний тарбия билан боғлиқ қадриятларнинг Марказий Осиे халқлари учун умумийлигини қуидагиларда кўриш мумкин: жисмоний тарбия воситалари, ер. ҳаво, сув, иқлим ва жисмоний машқларнинг умумийлиги. Жисмоний тарбия усулларидан от ўйинлари, кўпкари, улоқ, қиз қувди, қиличбозлик, найзабозлик, тош қўтариш, улоқтиришлар, якка кураш турлари, халқ ўйинларидан турли маросимлар ва тўйларда фойдаланишнинг умумийлиги.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Жисмоний тарбия ва спорт ривожланишида миллий қадриятларимиз қандай ўрин тутади?
2. Қадриятларга оид қайси ўзбек олимларининг ишларини биласиз?
3. Қадриятларнинг қандай турлари мавжуд ва уларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?




## Кураш мусобақаларидан кўриниш



**БАЙРАМГА ЧОРЛОВ**



**ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАРИДАН КҮРИНИШ**



ХОТИРА КУНИ



ДОР ЎИНИ



ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИЙ ЎИНЛАРИДАН КЎРИНИШ



## Халқ бахшичилиги



## Табиат бойликлари - қадрият

# **Жисмоний маданият таълим - тарбияси мазмунини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиш.**

## **Режа:**

1. Миллий ва умумиминсоний қадриятлар.
2. Жисмоний тарбия ва спорт мазмунини бойитиша  
миллий ва умуминсоний қадриятларнинг роли.

Ҳар бир миллат энг аввало фарзандларини соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг жисмонан етук бўлиши тўғрисида қайғуради. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти ва хукумати мамлакатимизда жисмоний маданият, оммавий ва профессионал спортни ривожлантиришга доир бир қатор: “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонун, фармонлар ва қарорлар қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги қонунларида ҳар томонлама етук, баркамол авлодга таълим-тарбия бериш асосий вазифа қилиб белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар бир фуқарони билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир.

Шунинг билан бирга мазкур қонуннинг 17-моддасида болалар ва ўсмиirlарнинг якка тартиbdаги эҳтиёжларини қондириш, улар бўш вақти ва дам олишларининг маълум қисмини болалар-ўсмиirlар спорт мактабларида, соғломлаштириш муассасаларида ташкил этиш ва ўtkазиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, юртбошимизнинг мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида бир қатор фармонлари, айниқса 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, эзгу ишларимизнинг бош омилига айланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилаётган «Алпомиш» ва «Тўмарис» фестивалари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби уч боскичли мусобақалар ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

«Бизнинг тараққиётимиз, - деб таъкидлаган эди Президентимиз, авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган». Ўтмишда халқимизнинг жуда кўп анъаналари бой берилганига қарамай, қадриятимизнинг сарчашмалари бўлган миллий ўйинлар ва спорт турлари тикланди ва ривожлантирилмоқда. Миллий ўйинлар ва спорт турларининг авлоддан-авлодга ўтиши, замонга қараб мослашуви, унинг давомийлиги, анъаналарга бойлиги - буларнинг барчаси муайян халқнинг ўз миллий қиёфасини қай даражада сақлаганлигининг мезони ҳисобланади.

Ёш авлодни жисмоний тарбиялаш ва камол топтирища миллий спорт турларининг, хусусан курашнинг роли ва ўрни каттадир. Миллий кураш қадимий спорт турларидан биридир. Миллий кураш санъати ўзининг муайян тарихига эга бўлиб, у доимий равишда халқимиз томонидан мазмунан бойитилиб, ҳар томонлама эъзозланиб келинмоқда.

Қадимий солномаларда эрамиздан олдинги даврларда ҳам миллий кураш оммавий мусобақалар таркибидан муносиб ўрин олганлиги ҳақида битиклар мавжуд.

Масалан, «Алпомиш» достонида юрт полвонлари, уларнинг довюраклнги, жасурлиги, чаққонлиги тўғрисида унутилмас сўзлар мавжуд. Жумладан, Барчинойга бўлган чексиз муҳаббати туфайли шердил бўлиб кетган Алпомиш курашда Кўкалдошни енгиб, ҳаммани қойил қолдиради ва халқнинг олқишига сазовор бўлади.

Мардлар олишмайди, силтаб отади,  
Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади.  
Бўш одамнинг иши кейин кетади,  
Кўкалдошни чертиб кўкка отади.

Бу мисралар катта ҳаётий мазмунга эга бўлиб, у ёшларни жисмоний машқлар ва спорт билан мунтазам шуғулланишга,

ҳаёт учун зарур бўлган жисмоний сифатларни эгаллашга чорлайди.

Халқимиз томонидан Алпомиш-у, Гўруғли, Ҳазрат Али ва Рустам каби паҳлавонлар ҳақида қўплаб достон, ривоятлар тўқилган. Миллий курашимизнинг шарофати туфайли Туркистон тупроғида қанчадан-қанча баҳодирлар, жаҳонгирлар, алп ўғлонлар ўтган. Буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темурни ҳам жаҳонга машхур қилишда дастлаб миллий кураш муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Амир Темур замонида миллий кураш жуда кенг тарқалган ва ривожланган. Курашнинг бу тури Темур лашкарлари учун асосан жисмоний тарбия ва куч-қувват манбаи бўлган.

Қадимда кураш мусобақалари асосан тўй, сайиллар ва бошқа маросимларда ўтказилган.

Ҳозирга кунда курашни ривожлантириш ва уни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш масаласи Президентимизнинг диққат-эътиборида турибди ва у ўз йўналишида равнақ топмоқда. Кураш бўйича бир неча марта алломалар таваллуд топган кунга бағишлиб турли учрашувлар, турнирлар ўтказилди.

Айниқса, улуғ ватандошимиз ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлиб кураш бўйича Термиз шахрида 1993, 1995, 1997, 1999, 2001, 2003, 2005, 2007 йилларда Халқаро турнирларининг ўтказилиши президентимиз ва халқимизнинг миллий курашга бўлган меҳр-муҳаббатининг ёрқин тимсолидир.

Бу маънавиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлган янги авлод кишисини тарбиялашга алоҳида эътибор бўлиб, у юртбошимиз илгари сурган «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади» деган концепция дастурига тўла мос келади.

Хулоса шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия дарслари ва ўқув - спорт машғулотлари жараёнида ўқувчи-ёшларга, талабаларга миллий қадриятларимиз сарчашмаларидан бири бўлган ўзбек миллий халқ жисмоний машқлари, ўйинлари, спорт турлари ва мусобақалари, уларни ташвиқот-тарғибот қилган, куйлаган ва кундалик ҳаётининг мазмунига айлантирган буюк шахсларимиздан Тўмарис, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Захириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоийларни намуна келтириш, уларни ҳар томонлама

ташвиқот-тарғибот этиш ўқувчи-ёшларни ва талаба-спортчиларни тарбиялашда мухим аҳамиятга эгадир.

Буни биз бир неча бор ўтказган маъruzалар, сұхбатлардан сўнг, спорт машғулотлар ва мусобақаларига қатнашиш истагини билдирган ўқувчи - ёшлар ва талабалар сони ошганлигида қўрдик.

Қадриятлар инсон ҳаётининг турли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатларини англатади. Қадриятлар моддий ва маънавий, миллий ва умуминсоний бўлади. Шу жумладан ўзбек миллатининг ҳам ўз қадриятлари мавжуд. Хусусан, ўзбек кураши миллий қадриятларимиз дурдонасидир. Ўзбек курашини дунёга чиқариш бўйича ҳозиргача бир қанча амалий ишлар бажарилди. Бу ўринда биринчи галда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1999 йил 1 февралдаги Фармони мисол бўла олади.

Президент И.А Каримов ва хукуматимиз томонидан кураш спорт турларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш натижасида кейинги йилларда турли миқёсдаги мусобақалар ташкил қилинмоқда. Ҳозирда Халқаро кураш ассоциацияси ташкил қилинди ва унга 76 та давлат аъзо бўлиб кирди, 120 дан ортиқ давлатлар халқаро кураш ассоциациясини тан олди ва ҳамкорликда иш олиб бораяпти.

Курашга оид ўзбекона: дакки. чала, ҳалол, танбех, ёнбош, кураш, тўхта, вақт каби атамалари дунё спорт майдонлари бўйлаб жарангламоқда.

Кейинги йилларда ўзбек миллий кураш федерацияси, Халқаро кураш ассоциацияси, республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кураш федерациялари билан ҳамкорлнкда ўзбек курашини ривожлантириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошироқда.

Мустаққиллик йилларида Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Хива шаҳарларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро мусобақалар курашнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, курашни янада ривожлантириш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

1. 1999 йилнинг 10 декабридан 2000 йилнинг 10 январигача «Кураш-менинг ифтихорим» шиори остида кураш ойлиги ўтказилди;

2. «Гиламда отахон полвонлар», «Полвонлар қаримайди», «Кураш ёш танламайди» шиори остида қатор мусобақаларнинг ўтказилиши ҳам кураш мухлисларини бефарқ қолдирмади;

3. Курашни янада тарғиб этиш мақсадида «Ўзбек кураши-Олимпия сари» ва “Ўзбекистон курашини куйлайман» мавзусида танловлар элон қилинди. Бу танлов доимий равишда телекўрсатув, радио орқали тарғибот қилиб борилди. Танлов якунлари ўзбек халқининг курашга бўлган меҳрини яна бир бор намоён этди.

Шу тариқа полвонларимизни мадҳ этувчи қўшиқлар, шеърлар дунёга келди. Ўзбекистон кураш миллий федерацияси, жойлардаги ҳокимликлар томонидан номдор полвонлар хотира турнирлари ўтказилиши анъана тусига кирди.

Шу ўринда Чироқчида ўтказилган Хушвакт Рўзиқулов, Баҳористонда ўтказилган Ҳаким полвон хотира турнирларини мисол қилиб айтиш мумкин. Бу турнирларда миллий қадриятларимизга амал қилиб, қадимий урф-одатларимизга биноан полвонлар қабрлари ободонлаштирилди ва зиёрат қилинди. Бундай тадбирлар республиқамиз чекка қишлоқларида ҳам ўтказилиши анъанага айланиб бормоқда. Бу тадбирлар ёшларимизни катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашда, миллий қадриятларимизни улар онгига сингдириб боришда улкан ишларнинг дебочаси бўлиб хизмат қиласи. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтда тўй курашларини ўтказиш тобора ортиб бормоқда. Паҳлавонлар юрти бўлмиш Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида тўйлар курашсиз ўтмайди. Бу анъаналар Самарқанд, Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларида ҳам оммавийлашиб бормоқда.

Мусобақаларни ўтказиш борасида ҳакамларнинг ўрни ҳам алоҳида. Шуни ҳисобга олган ҳолда Халқаро кураш Академияси ва Миллий Кураш Федерацияси ҳамкорликда ҳакамларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш учун маҳсус ўқишлар ташкил этилди. Бугунги кунда 200дан ортиқ ҳакамлар ўз малакасини ошириб олди. Кураш бўйича малакали клубларни таъсис этиш бўйича ҳам илк қадамлар қўйилмоқда.

Ўзбек кураши бўйича вазирликлар, давлат қўмиталари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари биринчиликларининг ўтказилиши анъана тусини олмоқда. Олий ўкув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада», ўрта маҳсус қасб-ҳунар таълим муассасаларида «Баркамол авлод», мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», республика солиқ қўмитаси, нефть, газ, геология ташкилотлари ходимлари ва агросаноат касаба уюшмаси биринчиликлари халқимиз орасида ўзбек курашининг оммалашганини кўрсатади.

Полвонларимиз хорижий давлатларда ўтказилаётган мусобақаларда ҳам қатнашмоқда. Ҳамюртларимиз Россиянинг Тверь шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасида Жаҳон биринчилигида 1-ўрин эгалари бўлди. Ўзбек кураши бўйича 2-Жаҳон чемпионати Анталия шаҳрида, 3-жаҳон чемпионати Венгрия, 4-жаҳон чемпионатининг Арманистонда бўлиб ўтиши ўзбек курашини жаҳон бўйлаб янада қанот ёяётгани исботидир.

Кураш билан ҳамоҳанг ҳолда мусобақа ўтказилган ўзга юртларга ўзбек санъати, урф-одатлари ва қадриятлари кириб борди.

Бахром Авазов, Махтумқули Махмудов, Акобир Қурбонов. Камол Муродов, Тоштемир Мухаммадиев, Исоқ Ахмедов, Абдулла Тангриев, Фарҳод Тўраев, Тўрабой Ўтаев, Шухрат Хўжаев. Олимжон Равшанов, Равшан Махмудов, Давлат Чориевлар каби ўзбек полвонлари турнирларда I, II, III, IV, V жаҳон чемпионатларининг олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мухтарам Президентимиз, Халқаро Кураш Ассоциацияси фахрий Президенти И.Каримов номи билан Буюк Британиянинг Бенифорд шаҳрида бўлиб ўтган турнир нафақат кураш мухлислари, балки, бутун Ўзбекистон учун катта байрамга айланиб кетди.

Ушбу нуфузли мусобақаларда республикамиз полвонлари учта олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалига сазовор бўлдилар.

Бугунги кунда ўзбек кураши билан шуғулланувчи ёш йигит- қизларимиз сони тоборо ортиб, курашчиларимизнинг маҳорати кун сайин ўсиб бормоқда.

Зеро кураш милий қадриятларимиздан бири бўлиб, умуминсоний дурдонасига айланди. Бизнинг авбатдаги

вазифамиз Осиё ўйинлари дастурига киритилган курашни тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мазмун ва моҳияти нимадан иборат?
2. Қадриятлар жисмоний тарбия ва спорт мазмунини бойитишида қандай рол ўйнайди?

## **Қадриятларнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари**

**Режа:**

1. Қадрият фалсафий социольлик тушунча.
2. Қадриятнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари.

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи қунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби истилоҳлар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, зотан, мустақиллик айни пайтда миллий тикланиш ҳамdir. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қатағон сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча луғат бойлигидан суриб чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада «Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти» томонидан чоп этилган, 40 мингдан ортиқ сўздан иборат «Ўзбекча— русча луғат»га ҳам, 1988 йили ЎзЭнц. Бош редакцияси чиқарган «50 минг сўзлик «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг киритилмаганлигинн кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, улар 1981 йили Москвада «Рус тили» нашриёти томонидан чоп этилган, 60 минг сўзнн қамраб олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам

учрамайди. Шуниси борки, ҳатто баъзи русча— ўзбекча луғатларда ҳам “қадрият” сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йили «Фан» нашрнётнда чоп этилган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»да «ценность» сўзининг 4 та маъноси алоҳида луғат мақоласи тарзида берилгани ҳолда уларнинг бирортасида «қадрият» маъноси ўз ифодасинн топмаган.

Лекин луғатларда «миллатчи», «миллатчилик» сўzlари бор. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан, ёки тасодифий туғилгани йўқ. Бу оқ ва қизил мустамлакачиларнинг минтақамиз халқларини ўзларининг кўп асрлик тарихи, бой ва ноёб миллий мероси, қадриятлари-ю, маънавиятидан жудо этиб, манқуртларга айлантириб қўйишга қаратилган сиёсати натижасидир.

Хукмон сиёсат тарафдорларн ва уларнинг маддоҳлари «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғурур» каби атамаларни кишида миллатчилик кайфиятини уйғотадиган тушунчалар деб ҳисобладилар ва уларни истифода этувчи маҳаллий миллат вакиллари миллатчиликда айбланиб, тазиқ остига олинди. Шунинг учун ҳам мазкур тушунчалар кўп йиллар давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ншлатилмай келинди. Ҳатто уларни сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи ҳам туғилди десак, ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўргина миллий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустақиллик», «истиқлол», «миллий ифтихор» каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичидаги теран илдиз отиб кетишида муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнииг хизматлари катта. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй берадиган туб ўзгаришлар. Жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз. урф-одат, анъаналаримизнинг тикланиши, миллий ғуруrimiz, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тобора юксалаётганлиги фаҳр-ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда. Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, — деб ёзади И. Каримов, - жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий

ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганилиги ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишимиз, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилаётганлиги - мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирики, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади».

Шундай қилиб. мустақиллик миллий маънавиятимизнинг заминини ташкил қилувчи «қадриятлар», «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғурур», «миллий онг» каби тушунчаларнинг ижтимоий-сиёсий ва қундалик ҳаётимиздаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тиклаб берди. Бу бизнинг маънавий ҳаётимизда қўлга киритган катта ютуқларимиздандир.

Хўш, қадриятлар ўзи нима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд қилиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунча. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ендашувларний учратишимиш мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуидаги тавсифланган: «Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи—баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари) ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) қадриятлари бир-биридан фарқланади.»

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузылар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реакцион аҳамияти; ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи мозийнинг маданий мероси; илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти; кишиларнинг ҳатти-харакатларида ифодаланувчи аҳлоқий яхшилик ва ёмонлик; табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик

жиҳатдан тавсифланиши; саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради.

Онг қадриятларига норматив тасаввурлар: яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хунуқлик хақидаги, тарихиинг маъноси ва инсоннинг вазифаси ҳақидаги тасаввулар, идеаллар, ҳаракат нормалари ва принциплари тарзида ифодаланган ижтимоний кўрсатмалар ва баҳолар, талаб ва таъқиқлар, мақсад ва лойиҳалар киради.

Кўринадики, «Фалсафий энциклопедия»да русча «ценность тушунчасига кишилар томонидан ё ижобий, салбий баҳоланадиган; уларнинг моддий ва маънавий ҳаётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Ана шунга яқин нуқтаи назар Ўзбек Энциклопедиясида ҳам баён этилган: «Қадрият (фалсафа ва социологияда) - воқеалиқдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятларни мазмун ва характеристига кўра прогрессив ва реакцион типларга ажратиш мумкин.» Бу эса мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирга уни изоҳлашни мушкуллаштиради. Турли чалкашликлар келтириб чиқаради.

Шу жиҳатдан таниқли файласуф олим В. П. Тугариковнинг фикри эътиборга лойикдир: “қадриятлар муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳияти (ёки ҳодисанинг бир жиҳати) дир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб - кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар улар шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасарруфларидағи қадриятларни ҳимоя қиласидилар ва ўzlари учун мақсад ёки идеал бўлган қадриятларини амалга оширишга интиладилар.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзиdir, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиб қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўқقا чиқаради...

Колган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир».

В. П. Тугаринов «қадрият» ва «баҳо» тушунчаларини бирбиридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. Қадрият реал ёки

орзудаги ҳодиса (бор нарса ёки идеал) дир, баҳс эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга - ижобий ёки салбий баҳога боғлиқ.

Қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятн баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил бўлиб, кўпинча улар бир-бирига зид келиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар учун олий қадрият-бўлиб ҳисобланиб келинган табиат ва жамият ҳодисалари бошқалар учун қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча.

Фикримизни исботлаш учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз. Маълумки, собық СССР давлати ҳукм суриб турган кезларда КПСС мағкурасининг таъсири остида диний таълимотлар, шу жумладан ислом таълимоти ҳам, меҳнаткаш халқ оммаси онгини заҳарловчи афюн деб ҳисобланиб, диний қадриятлар оёқ ости қилиб келинган эди. Айни чоғда марксизм-ленинизм таълимоти олий қадрият деб олқишиланиб қелинди. Собиқ СССР пароканда бўлгандан кейин эса кўп йиллар мобайнида сажда қилиб келинган марксизм-ленинизм таълимоти илгариги аҳамиятини йўқотди. Миллат ва халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари, миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётий сифатини тиклаб олмоқда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзуистаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шакланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг

орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар деб ҳисоблаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлар инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлагандан кейингина қадриятга айланади. Шунгача уларни табиий бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Қадриятнинг фалсафий ва социологик тушунча эканлигини изоҳланг.
2. Қадриятнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Қадрият қандай асосий жиҳатларга эга?

## Қадриятларнинг асосий турлари

Режа:

1. Инсон ва унинг ҳаёти - энг олий қадрият.
2. Ер, ер ости ва ер усти бойликлар - умуммиллий бойлик.
3. Инсон меҳнати билан яратилган бойликлар – моддий қадриятлар эканлиги ҳақида.
4. Ахлоқий ва ижтимоий - сиёсий қадриятлар.

Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш бемаънилиkdir. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соглигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй берадиган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти

тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни ҳар бир фуқаро шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу - олий мақсадга эришишга - ҳар бир киши ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган”

Истиқлол туфайли жумхуриятимизда кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-хуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Имзосиз хатлар ёзиш, бўхтон, тухмат уюштириш йўли билан кишиларни ноҳақ безовта қилиш, уларнинг қадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан таъқиқланган. Асосли, адолатли танқид учун ўч олишга ҳаракат қиласидан шахслар, кимлигидан қатъий назар, жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини суиистеъмол қилган мансабдорлар ғайри-қонуний ҳатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий қасал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, бокувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, қарияларнинг ҳақ-хуқуқлари давлат йўли билан муҳофаза қилинади, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойининг даҳлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалар, почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси қонунларн фуқаролар ор-номуси, қадр-қимматини сақлаш ва муҳофаза этишга муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ ўз ҳаётлари ва соғлиқларига, мулкларига ва шахсий эркинликларига, ор-номусларига ва қадр-қимматларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар

билин ривожлантириш масаласида ҳам Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг энг асосий масалаларидан бири уларни уй-жой, ичимлик суви, газ, электр энергияси, радио ва телевидение билан таъминлашдир. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун ер ва маблағлар ажратиш, қурилиш материаллари билан ёрдам берилди.

Жумҳуриятимизда яқин-яқинлардан бошлаб пахта теришга қўшимча ҳақ тўлашнинг жорий этилганлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархини ошириш устида иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат, ҳомиладор bemор аёлларни қўшимча юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги, ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қариялар ва уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаётганлиги-ана шуларнинг ҳаммаси инсонга бўлган муносабатлар яхшиланадиганлигининг амалий исботидир.

Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий қадриятларга ер ва еости бойликлари, сув-ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Марказий Осиё, хусусан. Ўзбекистон замини хилма-хил қазилмаларга бой. Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар халқ хўжалиги, фан ва техника тараққиёта учун хизмат қилмоқда. Шу билан бирга ҳали очилмаган, рўёбга чиқмаган конлар ҳам кўп. Бу конларнинг жуда оз қисми бевосита ер юзига чикқан бўлса, аксарияти ер ичкарисида яшириниб ётибди. Иқтисодий аҳамиятга эга бўлган табиий хом ашё уюмлари - «фойдали қазилмалар» Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, унинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистон беҳисоб табиий бойликларга, кулай географик мухитга эга.

Табиат табиий ресурслар манбаидир. Табиий ресурслар, яъни ёнилғи, ҳар хил металлар, рудалар, ҳаво, сув, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси бўлмаса инсоният яшай олмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи сифатида ҳам, соғлиқ,

шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас-туганмас омили сифатила ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Она- Ер кишилар учун моддий неъматлар манбаи, дастлабки меҳнат воситаларининг хазинасиdir, инсоният тараққиётининг бешигидир. Ердан инсон ўзи учун зарур нарсаларни ундиради. Ер инсонни боқади. Таникли инглиз иқтисодчи олими Вильзм Петти айтганидек, меҳнат бойлиknинг отаси бўлса, Ер унинг онасиdir. Инсоннинг кундалик ҳаёти ва севинчлари ҳам Ер туфайлидир. Шундай экан, инсон учун ғоят даражада муҳим ва зарур бўлган ҳаёт манбаи—Ери қадрламаслик, эъзозламаслик мумкин эмас!

Зотан, Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида ёзib қўйилган: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлиқdir, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Инсон меҳнати, ҳатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган «иккинчи табиат», яъни турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, турар-жой, мол-мулк, ноз-неъмат ва шу кабилар моддий қадриятлар ҳисобланади.

Маълумки, моддий қадриятларнинг асосини жамиятимизнинг моддий-техника базаси ташкил қиласи. Инсоният жамиятининг ҳар бири ўзига хос моддий техника базасига эга. Улар бир-биридан сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қиласи. Тош ва ёғочдан ясалган содда қуролларни ишлатиш, ёйнинг ихтиро қилиниши ва ов қилиш, оловдан фойдаланишнинг кашф этилиши, металлдан меҳнат қуролларини ясаш ва бошқа шу кабилар ҳаммаси ибтидоий жамият моддий-техника базаси учун характерлидир. Бироз такомиллашган меҳнат қуролларини дехқончилик, хунармандчилик ва қурилиш ишларида қўллаш, оғир жисмоний меҳнат талаб қиласиган барча соҳаларда қўлларнинг меҳнатидан шафқатсизларча фойдаланиш қулдорлик жамиятининг моддий-техника базаси учун хос белгилардир. Шамол ва сув тегирмонларидан фойдаланиш, металларни эритиш ва уларни қайта ишлаш йўлларини яхшилаш феодал жамиятига тааллуқли моддий-техника базадир. Йирик ва кучли машиналарни ихтиро

қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги технологияни жорий этиш, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ҳар томонлама фойдаланиш индустрисал жамиятнинг моддий-техник базасинн ташкил этади. Жамиятимизда тараққий этаётган машинасозлик, металлургия, кимё, иссиқлик энергияси, транспорт ва алоқа, капитал қурилиши, енгил саноат, озиқ-овкат, аграр саноати ва бошқа миллий бойликлар мажмуаси мустақил Ўзбекистон халқининг моддий қадриятларини ташкил этади.

Моддий қадриятларнинг негизини мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичida қаттий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

«Мулкнинг, — дейди И. Каримов, — мулқдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтирнб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

Ана шундагина пайдо бўлаётган мулқдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамдашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мутаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади».

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин эгаллайди. Унга илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари: тил, адабиёт, санъат, халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ва мейморий ёдгорликлар ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу

ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар дехқон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар, унинг кейинги тараққиётига самарали таъсир қўрсатдилар, Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарканд, Бухоро, Шахрисабз, Хива сингари муҳташам шаҳарлар яратувчиларн бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

«Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлардайди И.Каримов, - унинг жуда катта табиий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлари, ноёб миллий маданий мероси халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган дунёнинг барча минтақаларидағи сиёsatчилар, бизнесчилар, оддий одамларни ўлкамизга тобора кўпроқ жалб этмоқда».

Эндиликда минтақамизнинг бой маънавий маданияти, унинг ноёб миллий қадриятлари, бебаҳо фалсафий ва маънавий мероси халқимизнинг руҳияти, маънавиятини янада юксак даражага кўтариш учун хизмат қилмоқда.

Биз Шарқ цивилазацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз, дейди Президентимиз И. Каримов. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркнб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ-атвор, одоб, ҳатти-ҳаракат, норма, қоида ва принциплар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън (ор-номус), баҳт, адолат, идеал кабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ, манфаатларини англаб қилаётган ҳар қандай ҳатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади. Бурч — кишининг Ватан, халқ, жамоа, оила билан ўзаро муносабатларида ўз олдидаги мажбурият ва масъулиятини сезиши, уларга нисбатан садоқатини ифодалайди. Виждон—кишининг ҳатти-ҳаракатига ўзининг муносабатини, кишининг ўз хулқ-одоби учун маънавий масъулнят хиссини ифодалайди. Шаън—тушунчаси шахсга жамият берадиган ижтимоий баҳони белгиловчи ва шахсий қадр-кыйматини ифода қилувчи

категориядир. Бахт тушунчаси инсоннинг ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги ўз фаолияти, рўёбга чиққан орзу-истак ва мақсадларидан мамнунлигинн билдиради. Ахлоқ категориялари инсоннинг юриш-туришига баҳо беради, уни жамиятда мавжуд, кўпчилик маъқуллаган ҳатти - ҳаракатга чорлайди.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига доимо катта эътибор бериб келинган.

«Қадимги аждодларимиз,—дейди И.Каримов,—комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсан шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак Шундай одамгина нафсини сақлайди, бироннинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди».

Ахлоқ-маънавиятнинг шираю-шарбатидир. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ—бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий- сиёсий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозлаб, қадрланиб келинган.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шуҳрати қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тўғрида шундай сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Жаҳон халқлари томонидаи эътироф этилган, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси»га мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсоннинг фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган, фуқароларнинг бурчлари белгилаб қўйилган.

Жамиятимиз барча фуқаролари бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъии назар, қонун олдида тенгдирлар. Конституцияда ёзиб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатларни ва анъаналари ҳурмат қилинишинн таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

Бошқа халқлар, миллатларга нисбатан дўстлик, биродарлик муносабатида бўлиши — бу ўзбек халқи миллий рухиятининг ажралмас фазилатидир. Халқимиз хеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазхаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром курсатган. Президентимиз таъкидлаганидек, биз миллий белги буйича хар канақа фарқлашларга қатъиян қарши чикамиз. Жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йуқ уларнинг хар бири асрий барқарор ва тенги иуқ анъаналари билан, тарнхий меросининг бойлиги билан, миллий рухининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир. «Республика аҳолиси орасида қупчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, уз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечиравчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий маънавий хусусиятларини сақлаб колиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва нмкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни сақлаш ва мутаҳкамлашга интилиш доимо халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда».

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичida истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

«Кўп миллатли жамиятимизда,—дейди И. Каримов,— ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланган тинч мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди.»

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик булар давлатчилигимизнинг янғн биноси барпо қилинадиган пойдевордир. Бу бизни эртанги порлок кунимизга олиб борадиган йўлдир. Тинчлик ва барқарорлик—булар халқаро ҳамжамият билан бирлашувчи воситадир. «Инсонпарварлик, яхшилик софдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина, халқигина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин» .

Юкорида биз қадриятларнинг асосий турларига тўхталиб ўтдик, халос. Қадриятлар шулар билан чегараланиб колмайди, албатта.

Қадриятлар субъектини инобатга олган ҳолда, турли шаклдаги мулқдорларга тегишли бўлган моддий ва маънавий қадриятларнинг мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маълумки, жамиятимиз иктисадиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунга 1993 йил 7 майда қилинган қўшимчага мувофиқ ҳозир мамлакатнимизда ,беш хил мулк шакли мавжуд. Уларга қуйидагилар киради: 1) хусусий мулк; 2) ширкат (жамоа) мулки; 3) давлат мулки; 4) аралаш мулклар; 5) бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки.

Юкорида кўрсатилган мулк эгаларининг тасарруфидаги моддий ва маънавий бойликлар—турли мулк эгаларининг қадриятларини ташкил этади.

Хусусий қадриятларга оила ва оила аъзоларининг мулклари, уларнинг хусусий тадбиркорлик асосида орттирган моддий ва маънавий бойликлари киради. «Хусусий тадбиркорлик ва ташаббусни қуллаб-қувватлаш хақида»ги қонуннинг қабул қилиниши туфайли кейинги икки-уч йилда жамиятимизда кичик тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланиб бормоқда.

Конститутциямизга мувофиқ «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулқдор фақат, қонунда назарда тутилган холларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдор мулкига ўз хохишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади».

Жамиятнинг негизини ташкил қилувчи оила — энг улуғ қадрият бўлиб ҳисобланади. Унда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. «Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруглари ва яқин одамларининг, қушниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Жамоа, кооператив, фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик корхоналарнинг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган моддий ва маънавий мулкларнинг мажмуаси, уларнинг орзу-умидлари, иймон эътиқодлари Ширкат (жамоа) қадриятлари туркумини ташкил этади.

Давлат қадриятларига унинг тасарруфида бўлган ер ости ва ер усти бойликлари, моддий ва маънавий мулклари, суверенитет ва худудий яхлитлиги, ахолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги, давлат рамзлари— байроғи, герби ва мадхияси, қуролли кучлари, молия, пул, қредит тизими кабилар киради.

Хар хил мулк эгаларининг, МДҲ ва хорижий мамлакатлар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда тўзилган қўшма корхоналарнинг мол-мулклари, моддий ва маънавий бойликлари—аралаш мулкни, қўшма қадриятларни ташкил этади.

Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари ҳам алоҳида қадриятларни ташкил этади. Уларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Республикаизда барча фуқаролар ва юридик шахсларга ишбилармонликни ривожлантириш, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун teng имкониятлар яратиб берилган.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-рухий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданяти. тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини

иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳакидаги тасаввuri фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамдир. Бу туйгу кишида миллатнинг тарихи, рухияти, ҳозирги ҳолати ва хусусиятини тушуниш, хис қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғуур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг миллий қадриятларни англашини тасаввур қилиш қийин. Токи, миллатлар, миллий мафкуралар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳис-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллат миллий қадриятлардан маҳрум қилишга ўриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта жиноятдир.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг эъзозланиши ва кучайиб бориши зинҳор миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак. Шунпнг учун ҳам бу масалада ҳушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик, матонат талаб қилинади. Зотан, миллий қадриятларнинг ўзи айни пайтда минтақавий ёки умумисоний қадриятларнинг узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган ҳалқлар манфаатларига хизмат қиласидиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Минтақавий қадриятларга мисол сифатида Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, тоҷик, қирғиз, туркман ҳалқларига хос бўлган қадриятларни эслатиб ўтишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб усган мазкур ҳалқларнинг тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарида жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, қуда-қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам баҳамжиҳат тутув ҳаёт кечирмокдалар. Мазкур ҳалқларнинг иқтисодий, маданий, маънавий, савдо-сотик муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимдан нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг, айникса, бугунги масъулиятли даврда ақл, заковат ва шиҷоат, дунёвий салоҳият ва миллий ғурур талаб этадиган бир паллада яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлирок бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Минтақавин қадриятлар туркумига Марказий Осиёда ягона иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш, Орол муаммоларини хал этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, минтақамизда яшовчи халқларни тиббий, социал жиҳатдан ҳимоялаш, бой тарихий, маънавий меросимизни авайлаб асрар кабилар киради.

Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятлардан мазмуни жиҳатдан чукур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ келади. Шуни таъкидлаш керакки, жаҳондаги биронта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуман жаҳон цивилизациясидан мутлақо ажralган, алоҳида маданиятга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг маданий-маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Шу сабабли барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиши, тарихи бир-бири билан чамбарчас бўлиб кетган.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Улардан энг асосийлари ер юзида илм-фанни тараққий этириш, тинчликни сақлаш, ядрорий қуролларнинг пойгасини тўхтатиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коинотни ва жаҳон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Қадриятларнинг жамият тараққиёти, инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан прогрессив ва реакцион қадриятларга ажратилишини ҳам эсдан чиқармаслик керак Жамиятимизнинг иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятининг илгари қараб ривожланишига, миллий ахлоқ, одоб, урф-одат негизларида комил инсонни тарбиялашга, мустақил

республикамизни ҳар томонлама равнақ топтириб, жаҳон цивилизациясига қўшишга астойдил хизмат қиласиган қадриятлар—бу прогрессив қадриятларни ташкил этади. Аксинча, жамиятимизнинг олдида турган ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий, маънавий муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қиласиган ҳодисалар реакцион қадриятларга киради.

Прогрессив қадриятларнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришини, эркин яшashi, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиласиган воситалар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни авайлаб асрash, юксалтириш инсон шахсий ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Мавзуга оид синов саволлари:

1. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадриятлигини нималарда кўрасиз?
2. Умуммиллий бойликларнинг таъриф – таъсифини беринг.
3. Моддий қадриятлар нима?
- 4 Ахлоқий ва ижтимоий сиёсий қадриятларнинг мазмун ва моҳияти нималардан иборат?

## Қадриятларнинг жамиятдаги ўрни

**Режа:**

1. Қадриятлар - жамият бойлиги ва миллатнинг асосий бўғини.
2. Инсон ва қадрият.
3. Табиат - муқаддас даргоҳ ва инсоният бешиги.

Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтихоримиз. Уларни авайлаб асрash ва муҳофаза қилиш — барчамизнинг бурчимиздир. «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва мадапий меросини авайлаб асрashга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деб ёзиб қўйилган Конституциямизда.

Миллий қадриятларга ҳурмат билан қараш — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб асраш, уларни кўриқлаш, юксалтириш алоҳида инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг энг олий маҳсули ва қадрияти бўлмиш инсоннинг қадриятларга муносабати ҳеч қачон бир текис бўлган эмас. Бир томондан инсон қадриятлар бунёдкори сифатида қанчадан-қанча моддий ва маънавий қадриятларни юзага келтирган бўлса; иккинчи томондан у мавжуд қадриятларга ёвуздарча муносабатда бўлиб, уни талон-тарож ҳам қилиб келган. Буни биз инсоннинг табиий-моддий қадриятларга бўлган муносабатларида яққол кўришимиз мумкин.

Одам пайдо бўлган даврдан то ҳозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни ўзгартириб юборди. Кейинги минг йиллар давомида инсон меҳнат фаолияти натижасида ер шари юзаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Эътироф этиш керакки, инсоннинг истиқболини ўйламай қилган ҳатти-ҳаракатлари туфайли табиат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Маълумки, яқин-яқинларгача инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Натижада табиатни иқтисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш авж олиб кетди, қанча-қанча лойиҳалар пайдо бўлди. Дарё ва кўллардаги балиқлар, паррандалар, ҳайвонлар эҳтиёждан ортиқча овланиб, кўпчилиги ҳозир йўқ бўлиб кетди. Бир пайтлар Амударёning ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди бирорни ишонтириш қийин. Республикамизда Турон йўлбарси, йўлли сиртлон каби ҳайвонлар қирилиб кетди. Оққуйруқ, қорақулоқ, Устюрт қўйлари, жайрон, Бухоро буғуси, оқтироқли қўнғир айқабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди. Ўрмонлар, тўқайлар йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инсон табиатдан ўзига керакли нарсаларни олиш билан бир қаторда унга ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаб, табиатни заҳарлантироқда. Расмий маълумотларга

кўра, ҳар йили атмосферага 200 миллион тоннадан зиёд карбонат ангидрид (ис гази), қарийб 150 миллион тонна олtingугурт оксида, 53 миллион тонна нитрат ангидрид, 50 миллион тоннадан ортиқроқ ҳар хил углеводородлар чиқарилмоқда. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард куб метр ифлосланган сув, 70 миллион тонна заҳарли газлар ва 250 миллион тонна чангни ташламоқда. Оқибатда биосфера ўз-ўзини тозалашга ожиз бўлиб қолмоқда, ҳозир атмосферадаги заҳарланган карбонат ангидрид газининг микдори қарийб 20 фоизни ташкил этади. Бунинг ҳаммаси инсон соғлигига таъсир этиб, рак ва бошқа касалликлар йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда дунё буйича ҳар йили 500 минг киши рак билан касалланган бўлса, унинг 60 фоизи атроф муҳитдаги ҳар хил концереген моддаларнинг кўпайиши натижасида келиб чиккан. Атроф муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндилар билан бўлғаниши аҳолининг, чорва молларининг, парраналарнинг дарё ва қўллардаги, сув омборлари ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер юзининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса цивилизация ҳалокатга учраши мумкин дейишмоқда.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, қўллар, музликлар ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овқат манбаи бўлган жаҳон океани ҳам ҳозирги вақтда цивилизациянинг қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн миллион тоннагача миқлорда нефть ва нефть маҳсулотларн келиб тушмоқда.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетишини Орол денгизининг фожиасидан ҳам кўришимиз мумкин. Орол бўйида экологик вазият кейинги вақтларда шу қадар кескинлашиб, фожиали тус олиб кетдики. ундан нафақат Марказий Осиё ҳалқлари, балки бутун курраи замин бирин-кетин зарар кўрмоқда. Кенинги йилларда Орол денгизининг ҳажми уч баравардан кўпроқ қискарди, майдони икки баравар камайди, киргоқ 80 км га чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт баровар ошди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага этиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир курсатмоқда.

БМТ зекспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иктисодий оқибатлари жиҳатдан XX асрнинг энг катта оғатларидан бири бўлиб қолди.

Бугунги кунда Орол денгизи атрофидаги 35 миллиондан ортиқ аҳоли экологик фалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ёқ иктисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш лозимлигини англаб етдилар. 1993 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ана шу мақсадда Қозогистон Республикасининг Қизил Үрда вилоятида йиғилдилар. 1994 йили эса Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишлиланган иккинчи учрашув ўтказилди.

Давлат раҳбарларининг ушбу икки учрашувн давомида Орол муаммоларини ҳал этиш экологик таназзул минтақасидаги аҳоли турмушини яхшилаш борасида талай силжишлар рўй берди. Жумладан Орол денгизини қутқариш бўйича халқаро жамғарма, давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органлари ташкил этилди. Нукусдаги учрашувда давлатлараро кенгашнинг «яқин 3—5 йил ичida минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъмин этган ҳолда экологик аҳволни барқарорлаштириш бўйича аниқ, чора тадбирлар дастури» қабул қилинди.

Ушбу жамғарма бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, халқаро молиявий ташкилотлар эътиборини тортмоқда. Жаҳон банки Орол бўйи худудида табиий мувозанатни тиклаш, аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга рози. Европа иттифоқи ва бошқа каби нуфузли ташкилотлар ҳам жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватлаётir.

1995 йил 3 марта Туркманистон Республикасининг Тошовуз шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммосига бағишлиланган анжумани бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари анжуманда Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг таркиби билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Н. Назарбоев иккинчи марта Оролни қўтқариш бўйича халқаро жамғарма президентлигига сайланди.

Давлат раҳбарлари 1995 йилнинг 18-20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида БМТ билан ҳамкорликда Орол денгизи муаммоси бўйича халқаро анжуман ўтказиш ҳақида келишиб олдилар. Анжуманда Орол денгизини қутқариш бўйича Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси фаолияти, унинг белгиланган чора-тадбирлар дастури юзасидан амалга ошираётган ишлари ва келгуси ҳамкорлик режаларини муҳокама этдилар. Анжуман якунида давлат раҳбарларининг ушбу учрашув якунларига оид қўшма баёноти қабул қилинди.

Орол денгизи муаммоси бугунги кунда Марказий Осиё ҳалқарининг ягона дардига айланди. Денгиздаги сув сатхининг пасайиб бориши, миңтақадаги табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида экологик бўхрон юзага келди. Бу нафақат Орол бўйи ҳудудида, балки иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошидан кечираётган Марказий Осиё мамлакатлари табиий муҳитида, қишлоқ хўжалигига ҳам ўз аксини топмоқда. Минглаб гектар ерлар сувсиз қолди. Мутахассислар денгиз чекиниши натижасида ҳосил бўлган қумликлардан кўтарилиган турли минерал тузлар ҳатто Помир тоғидаги музликлар устини ҳам қоплагани тўғрисида маълумотларга эга.

Марказий Осиё миңтақасига хос яна бир экологик муаммо пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқдир. Миңтақамиз табиий иқлими пахтчиликни ривожлантиришга мослашган. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё республикаларида ўтмишда пахта экадиган майдонлар кўлами ҳаддai ташқари кенгайтириб юборилган эди. Уларни сув билан таъминлаш мақсадида Амударё ва Сирдарё узанида кўплаб сув омборлари қурилган эди. Натижада дарёларнинг суви Орол денгизига етиб келмай, йўл-йўлакай сунъий кўлларда сақланиб қолмоқда. Бундай ҳоллар икки дарёдан сув ичадиган беш мамлакатнинг ҳаммасида ҳам юз бермокда.

Миңтакамизда экологик вазиятнинг муркаблашиб бораётганлиги ҳақида сўз юритганда яна шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пахтани етишириш учун бир неча йиллар мобайнида кўп миқдорда ишлатилган кимёвний моддалар туфайли ер, сув, ҳаво заҳарланди. Оқибатда неча минглаб кишилар ошқозон-ичак, сариқ касалликларига мубтало бўлишиди.

Пахта яккаҳокимлиги етказган иқтисодий, жисмоний ва маънавий зарарнинг адоги йўқ эди. Унинг зарарли тасирини

ҳамма соҳада – экологияда иқтисодий турмушда, маориф ва маданиятда, таълим-тарбияда, соғлиқни сақлашда, саноат ва бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин эди.

Орол денгизининг қисмати ҳам пахта яккаҳокимлиги билан узвий боғлиқдир. Орол бўйида содир бўлаётган экологик фожиани ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига қўра жаҳондаги энг катта экологик ҳалоқатлар билан қиёслаш мумкин. Қурбонлар, бир умр ногирон бўлиб қоладиган кишилар бор. Захарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, хувиллаб қолган, вайрон бўлаётган қишлоқлар бор. Энг хавфлиси шуки, bemorlar орасида болалар кўпчиликни ташкил этади. Ногиронлар мунтазам кўпайиб бормокда. Қорақалпоғистоннинг бир қанча туманларида врачлар оналарга гўдакларни эмизмасликни тавсия этадилар, чунки она сути заҳарланган. Она сутининг заҳарланиши—бу нақадар оғир ҳалокат.

Мустақиллик туфайли бу масалани ҳам ҳал қилишда маълум даражада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Пахта зааркунандаларига қарши заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш ўрнига биологик усуллардан фойдаланилмоқда. Пахтазорларни камайтириш ҳисобига дон маҳсулотларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида экологик вазиятни яхшилашга замин яратмоқда.

Марказий Осиё минтақаси учун хос яна бир вазият шундан иборатки, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун ер ости бойликлари, жумладан, газ, нефть маҳсулотларини ишлатиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши турган гап. Шунинг учун ҳам ҳозирги энг долзарб масала — мазкур хомашёларни ишлатишда табиатни муҳофаза этиш чораларини кўриш бўлмоғи лозим.

Марказий Осиё минтакасидаги экологик хавф ҳақида сўз юритилганда Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск полигонида собиқ СССР даврида кўп йиллар мобайнида ядервий зарядларни портлатиш туфайли атроф-муҳитнинг радиоактив нурлар ва чиқиндилар билан заҳарланганлиги тўғрисида гапириб ўтмасдан бўлмайди.

Куролланиш пойгаси авж олган йилларда мазкур полигонда доимий равишда ва жуда кўп микдорда ядервий қуролларни портлатиш натижасида бир неча минг километр

атрофдаги мұхит— ер, сув, ҳаво, үсімліклар, барча жонли мавжудотлар шу жойларда истиқомат құлувчи кишилар, радиоактив нурлари ва чиқиндилар билан заһарланды. Бу эса үз навбатида инсониятни лол қолдирадиган даражада турли фожиаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Кейинги йилларда таниқли қозоқ ёзувчisi Олжас Сулаймоновнинг ташаббуси билан ташкил қилинган «Семипалатинск — Невада» ҳаракати туфайли мазкур полигонда ядрорий зарядларни портлатиш ишлари тўхтатилган. Лекин экологик вазият ҳанузгача жуда ҳам мураккаб ҳолда сақланиб келмоқда. Маҳаллий аҳоли ичида рак, қон касалликлари, ногирон гўдакларнинг туғилиши авж олиб кетган эди.

Бугун инсоният шундай даражага эришдики, энди табиатдан фойдаланибина қолмасдан уни ҳимоя қилиш зарурати туғилди. Бу инсонларгина табиатга боғлиқ эмас, балки табиат ҳам инсонларга боғлиқ экономлигини кўрсатмоқда. Табиатни эъзозлашда ва сақлашда ҳеч қандай худудий тўсиқлар бўлиши мумкин эмас, чунки бир мамлакатда рўй бераётган экологик инқироз бошқа жойларга ҳам үз таъсирини кўрсатмоқда.

Табиат — муқаддас даргоҳ, инсониятнинг бешигидир. Биз яшаб, нафас олиб турган табиат, унинг таркибий қисми бўлмиш — Еримиз ҳамманинг—бутун инсониятнинг умумий уйи. Умумий масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш, атроф мұхитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик башариятнинг ишидир. Табиатни мухофаза қилишнинг долзарблиги ана шунда. Яна шу долзарб муаммога биринчи даражали эътибор берилмаса оқибати даҳшатли бўлиши аник, ва равшандир.

Экологик инқироз — ишлаб чиқариш инқирози бўлиб қолмасдан, айни вақтда ҳам социал-сиёсий муаммодир, чунки табиатни мухофаза қилиш — бу социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам жамиятимизда табиатни мухофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш, назорат қилишга катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Табиатни мухофаза қилиш давлат қўймитасининг Оролни сақлаш «Экосан» ва бошқа жамгармаларнинг таъсис этилиши табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф мұхитни мухофаза қилиш муаммоларига оид минтақавий ва жаҳон илмий-амалий

анжуманларининг ўтказилиши табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликнинг кенг жалб этилиши бунга мисол бўла олади.

Минтақамизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари қуидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим:

— Қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлаш, тупроқ эррозиясига қарши курашни кучайтириш, ерларни селдан, кўчкilarдан, ўпирилишлардан, шўр босишдан, заҳарланишдан, сув босишдан ва қақраб қолишдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

— фойдали қазилма конларини янада комплекс равища ўзлаштириш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида нобудгарчлликка йўл қўймаслик;

— Орол денгизи, Сирдарё, Амударё ва бошқа дарёлар сувлари сатҳини камайтиришнинг олдини олиш, уларни ифлосланишдан сақлашни кучайтириш чораларини амалга ошириш. Сув манбалари, шу жумладан кичик дарёлар ва кўлларни қуриб қолишдан ва ифлосланишдан муҳофаза қилишни яхшилаш, Марказий Осиёдаги энг муҳим дарё ҳавзаларидаги сув хўжалик комплексларини автоматлаштирилган ҳолда бошқариш системаларини яратиш, ирригация тармоқларини ҳозирги давр талабига мувофиқлаштириб қайта қуриш;

— зарарли моддаларнинг атроф муҳитга чиқариб ташланишини камайтириш ва чиқарилаётган газларни зарарли аралашмалардан тозалашин яхшилаш, газ ва чангларни ютувчи ғоят самарали аппаратлар, сув тозалайдиган ускуналар, шунингдек, табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилувчи мосламалар ҳамда автомат станциялар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

— иссиқлик электр станцияларида мазутдан, торфдан ёқилғи сифатида фойдаланишни камайтириш;

— ўрмонларни ёнғиндан сақлаш ҳамда уларни зарарли ғашоратлардан ва касалликлардан муҳофаза қилиш. Ихота дараҳтзорларини кенгайтириш, шаҳарлар, посёлкалар ва уларнинг атрофларида янги кўкаламзорларни яратиш, мавжуд шундай зоналарни ободонлаштириш;

— илмий асосланган қўриқхона ҳудудлари ва миллий боғларни вужудга келтиришни давом эттириш.

Ёввойи ҳайвонларни мутаносиб равища кўпайтириш ҳамда табиий кўл, ховузлар ва сув омборларида қимматли балиқ

турларини урчитиб кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш. Экологик инкиrozни ҳал қилиш учун барча мамлакатлар ҳамкорлик билан иш тутишлари мақсадга мувофиқдир. Бу ҳамкорлик тўла teng ҳуқуқли ҳар бир мамлакатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, олинган мажбуриятларни, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини вижданан бажариш асосида бўлиши лозим. Биз яшаб турган заминнинг қатъий талаби мана шулардан иборат.

Инсон учун табиий қадриятлар билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий қадриятлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Башарият кўп минг йиллик тарихи давомида эркин, баҳтли ва гўзал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хилма-хил қадриятларни яратди, инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қиласидиган қонунлар, сиёсий ташкилотларни бунёд этди. Инсоннинг гўзал яшаши учун зарур бўлган бадиий-эстетик қадриятларни ривожлантириди, кишиларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини белгилаб берадиган ахлоқий қоидалар мажмуасини жорий этди ва ҳоказо. Мазкур ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятлар жамият тараққиётида салмоқли ўрин эгаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келган ва ҳозир ҳам хизмат қилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, инсон ўзи яратган ижтимоий-сиёсний, маданий-маънавий, ахлоқий қадриятларни кўп ҳолларда поймол қилиб келаётганлигини ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқсизлик, миллатимизнинг урф-одат ва анъаналарига зид келувчи ҳатти-ҳаракатларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ичida авж олиб кетаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида кўндаланг турган долзарб вазифадир.

Кишиларни қадриятларга истеъмолчи ёки кузатувчи сифатида қараш кайфиятидан ҳоли этиб, аксинча уларни янада кўпайтириш, юксалтириш пайида бўлишларига эришишга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса абадий эмас. Бу қадриятларга ҳам тааллуқлидир. Шундай экан, уларни доимо бойитиб, ривожлантириб, кўпайтириб, янгилаб турмоғимиз даркор.

Қадриятлар катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият тараққиётини белгилай олмайди. Қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга қўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан узвий боғлангандир.

Буни биз ўзбек халқи миллий қадриятларининг ўтмишдаги ва ҳозирги аҳволидан яққол кўришимиз мумкин.

### Мавзуга оид синов саволлари:

1. Миллат ва жамият манфаати йўлидаги қадриятлар мазмуни ва моҳияти нималардан иборат.
2. Инсоннинг қадриятларга бўлган муносабатини қандай баҳолайсиз?
3. Табиат нима учун муқаддас даргоҳ ва инсоният бешиги?

# **Мустақиллик – қадриятларга янгича ёндашув даври**

## **Режа:**

1. Мустақиллик - миллий қадриятларимиз тикланишининг асоси.
2. Таббий ва иқтисодий қадриятларимиз - миллий бойлигимиз.

Маълумки, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул килди. Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг маданий ва маънавий янгиланишнинг, миллий қадриятларимиз тикланишининг кенг истиқболлари очилди.

Мустақиллик ўзбек халқи ҳаётидаги ҳеч қачон унутилмайдиган тарихий воқеадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги шу тупроқда яшаётган юртдошларимиз қатори узоқ йиллар давомида она юртидан, элидан. айрилиб, мусоғирлик жабрларини тортган муҳожир миллатдошларимизни ҳам шу қадар қаяжонга солди ва чексиз қувонтирдики, буни сўзда ифодалаб, тўла-тўкис таърифлаб бўлмайди. Шу ўринда хорижда яшаётган ватандошимизнинг тубандаги изҳори дил сўзларинн келтириб ўтиш жоиздир.

«... Ниҳоят ўз Ватанидан, ўз Ватани тупроғига кўмилишдан жудо қилинган, хорижий элларда Ватан жамолини, Ватан тупроғини эзилиб соғинишга маҳкум қилинган миллионлаб ўзбекларнинг — туркистонликларнинг орзу қиб кутган куни келди, орзулари ушалди. Ўзбекистон ҳукуматининг олий минбаридан муҳтарам жумхурият — раис Ислом Каримов тилидан Ўзбекистон Жамияти мустақил давлат мақомига эга бўлгани тўғрисидаги хушхабарни эшитган заҳотимизда, биз ўз Ватанларини бир неча кун зиёрат қилиш баҳтига мұяссар бўлган бир неча хорижлик биродарларимиз билан бирга бир-биримизни кучоқлаб, йифламоқдан ўзимизни тиёлмадик. Комил-ишенч билан айтамизки, айни пайтда бу хушхабардан огоҳ бўлган

миллионлаб америкалик, саудиялик, олмониялик, покистонлик, афғонистонлик жигарларисиз ҳам бир-бирларини қучоқлаб йиғлаб турибдилар, жисму жонлари билан мустақил Ватанларига талпиниб турибдилар...

Бу хушхабарларнинг жушхабарлиги рост бўлсин жисму-жонларингизни қисиб-қийнаган кишанларнинг парчалангани рост бўлсин, турли-туман қутқулардан, иғволардан, тухмат балолардан пароканда бўлиб кетган миллатимизнинг қадди ростлагани рост бўлсин бириккани рост бўлсин!»

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни таъминлашда, ўзбек халқининг қадр-қимматини ҳимоя қилишда, ўлкамиз бойиклари талон-тарож қилинишининг олдини олишда, Ўзбекистон довруғининг дунёга таралишида Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк тарихий хизматлари асло унутилмасдир. Юртбошимизнинг кейинги бир юз ўттиз йил давомида қарам ва муте бўлиб келган ўзбек халқини озодликка чиқариб, бошини қовуштириб, ахил-ҳамкор қилиб мустақиллик муаммоларини оқилона ҳал этиш йулидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларини бутун дунё аллақачон эътироф этди. Ўзбекистон Республикасини бугунги кунда 160 дан ортиқ мамлакат томонидан тан олиниши бунинг яққол далилидир.

Мустақиллик шарофати билан илгари талон-тарож қилиб келинган табиий ва иқтисодий қадриятларимиз эндиликда фуқароларнинг баҳт-саодати ва манфаатлари йўлида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тупроғида Менделеев жадвалига киритилган маъданларнинг қарийиб ҳаммаси бор. У азалдан дунёдаги олтин ва бошқа жавоҳирлар қазиб олинадиган давлатлар қаторидан ўрин олиб келган. Аммо собиқ СССР йилларида Ўзбекистонининг кўп миқдордаги олтини ва бошқа ер ости бойиклари иттифоқ хазинасини тўлдириб келган. Бундан на республика, на унинг халқи манфаат кўрган. Эндиликда эса Ўзбекистон ери, бойиклари нафақат ўзимизни, замондошларни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналминал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиши ва уларнинг баҳтиёр ҳаётини таъминлаш учун ишлатилмоқда. Нуфузли хорижий мамлакатлар банкларига омонат олиб қўйилган олтинларимиз Республикамиз белини бақувват этиб, жумхуриятишимизга чет эл

сармояларини олиб келиб халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари ичида газ катта ўринни эгаллайди. Ўтмишда у ҳам олтинимиз каби марказ эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиб келинган эди. Ҳар йили миллион-миллион куб метр газимиз собиқ марказнинг буйруғига биноан бошқа республикалар ҳамда бир қатор Европа мамлакатларига юборилиб туриларди. Маҳаллий аҳоли эса газдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланиш имкониятидан маҳрум этиб қўйилган эди. Эндиликда эса бунга ҳам чек қўйилди. Ҳукуматимиз томонидан изчил равишда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли кейинги йилларда юзлаб кишлоқларга газ ва ичимлик сувлари етказиб берилди. Бундай хайрли ишлар ҳозир ҳам давом этиб келинмоқда.

Истиқлол очиб берган имкониятлар туфайли биз нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларимизни ҳам ўзимизнинг ички имкониятлардан келиб чиқиб қондиришга интиляпмиз. Ўтмишда бошқа республикалардан ҳар йили ўрга ҳисоб билан тўрт миллион тонна нефть сотиб олинган бўлса, 1995 йили атиги 750 минг тонна нефть четдан харид қилинди. 1997 йили жумҳуриятимиз нефтга бўлган барча эҳтиёжларимизни ўз нмкониятларидан келиб чиқиб қондиришни режалаштирумокда. Кўкдумалоқ, Мингбулоқ каби нефть конларида жадал суръатлар билан олиб борилаётган ишлар мазкур масаланинг ўзил-кесил ҳал этилишини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Табиий қадриятларимиз ҳақида гап кетганда яна бир муҳим масала тўғрисида тухталиб ўтишимиз ўринлидир. Бу ғалла мустақилликлигини таъминлаш масаласидир. Маълумки, собық Иттифоқ сиёсати туфайли республика иқтисодиёти фақат хом ашё, асосан пахта етказиб берадиган бўлиб қолган эди. Республикада 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган ерлар асосан пахта ўстириш учун фойдаланиб келинган эди. Аҳолининг бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, жумладан ғаллага бўлган эҳтиёжлари ўзга республикалар ҳисобидан қондириларди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонга четдан ғалла сотиб олиб келиш ниҳоятда қимматга тушадиган бўлиб қолди. Шуни эътиборга олиб, жумҳуриятимиз кейинги икки-уч йил ичида донли экин майдонларини кўпайтириб, аҳолининг ғаллага бўлган эҳтиёжини асосан ўз

имкониятларимиздан келиб чиқиб, қондиришга мұяссар бўлмоқда.

Кейинги икки-уч йил ичида биз нефть мустақиллиги каби ғалла мустақиллигига ҳам эришдик.

Жумҳуриятимиз заминидаги кўмир, мармар, ҳар хил рудалар ва бошқа бойликлардан эндиликда халқимиз фаровон ҳаёт кечириш йўлида фойдаланиб келмоқда.

Ер ости бойликларини Ўзбекистон халқининг манфаатига самарали хизмат қилдириш хусусида гап юритар эканмиз, фикримизча, иккита масалага алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Биринчидан, жумҳуриятимиз заминида фойдали қазилмалар қанчалик мўл бўлишидан катъий назар, уларга ниҳоятда эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан ёндашиб, келажак авлодимиз манфаатларини, республикамиз истиқболини ҳисобга олган ҳолда ишлатишимиз керак. Бу айниқса, нефть, газ, кўмир маҳсулотларига дахлдордир, чунки, уларнинг заҳиралари чекланган, шунингдек булар ўрнини тўлдириб бўлмайдиган маҳсулотлар туркумига кирадн. Шу нуқтаи назардан қаралса, газ маҳсулотларини четга чиқариш биз учун зарурми, ёки йўқми?, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Мазкур масала бўйича ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга лойиқдир. Масалан, АҚШнинг заминида Менделеев жадвалидаги барча маҳсулотлар, жумладан нефть, газ, кўмир, олтин ва ҳоказолар мавжуд. Уларнинг заҳираси бир неча юз йилга етарли. Лекин шунга қарамасдан, АҚШда юқорида тилга олинган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини бошқа мамлакатлардан олиб келинган хомашё ҳисобидан қондириб келинмоқда. Шундай экан, биз ҳам ўз заҳираларимиздан самарали фойдаланиш устида пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Иккинчидан, ўтмишда биз ер ости хазиналарини хомашё сифатида бошқа республикаларга арzon баҳода бериб турган бўлсак, эндиликда улардан халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариб, дарамод олишни қўзласак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Халқимиз истиқболини кўзлаб, келажакда жумҳуриятимизни хомашё етказиб берувчи давлатдан уни ўз еримизда қайта ишлаб халқ, истеъмол молларинн етказиб берадиган мамлакат даражасига кўтаришимиз даркор. Худди шу мақсадда ер усти бойликларидан хомашё сифатида эмас, балки улардан маҳсулот тайёрлаб самарали фойдаланиш режаларини илмий ишлаб

чиқишимиз керак, деб ўйлаймиз. Ҳозирча бу борада ҳам ечимини кутиб турган муаммолар оз эмас.

Республикамиз ўзининг ноёб табиий-иклим шароити туфайли мева, сабзавот, шарбат ва винолар ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятларга эга. Шуни эътиборга олиб, хорижий мамлакатлар билан биргаликда янги замонавий технология асосида мазкур маҳсулотларни қайта ишлаб чиқадиган қўшма корхоналар бунёд этишни йўлга қўйдик. Бу республика иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир этиш билан биргалнекда аҳолининг юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятини яратиб берди. Шунингдек, ғўзапояни қайта ишлаб чиқадиган технологияни ҳам жорий этиб, ундан қофоз, мебель ва бошқа истеъмол молларини ишлаб чиқиши амалга оширдик.

**Мавзуга оид синов саволлари:**

1. Мустақиллик ва миллий қадриятлар тушунчаларини изоҳланг.
2. Нималар табиий ва иқтисодий қадриятларни ташкил этади?

## **Маънавий сарчашмаларимиз.**

**Режа:**

1. Маънавият ва унинг мазмуни.
2. Тил – маънавият калити.
3. Маданий-маънавий мерос - миллий бойлигимиз.
4. Миллий онг ва миллий истиқлол мафкураси – миллат куч қудратининг асоси.

Мустақиллик туфайли нафақат табиий ва иқтисодий қадриятларимиз, балки маънавий-маданий қадриятларимиз ҳам эндиликда халқимиз баркамоллиги учун тўлақонли хизмат қилишга ўтди.

Маънавият ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, давлатнинг куч-қудрат манбаидир. Маънавият бўлмаган жойда баҳт-саодат ҳам,

иймон-эътиқод ҳам, Ватан ва эрк туйғуси ҳам, диёнату- адолат ҳам, бўлмайди ва аксинча.

Таниқли қозок шоири Мухтор Шаханов айтган бир ривоятни эслатиб ўтмоқчиман. Қадим замонларда бизнинг еримизга босқинчилар кириб келади. Чегарага етгач, хон қўшинларини тўхтатиб олдида турган мамлакатдаги вазиятнн билиб келиш учун жосусларини юборади. Маълум вақтдан кейин улар қайтиб келиб хонга шундай маълумот беришади. Биз катта тўйнинг гувоҳи бўлдик. Унда мамлакат подшоҳи ҳам бор экан. Тўй қизиб бораётган бир пайтда, даврага қўлида дўмбира ушлаган бир ёш йигит кириб келди. Подшоҳ дарҳол йигитни ёнига чорлаб, ўзи ўтирган ердан унга жон бўшатиб берди. Биз ажабланиб, «бу йигит ким?», деб сўраганимизда, — «Бу бизнинг шоиримиз-ку» деган жавоб олдик, дейди. «Э, жаноб олийлари, менга ҳужум қилишга рухсат беринг, бундай ақли паст подшоҳи бор бу мамлакатни биз осонгина босиб оламиз», дейди хоннинг лашкарбошиси.

“Йўқ отни изимизга - қараб ҳайдаймиз, чунки маънавий қадриятларни шунчалик зўр эъзозлайдиган мамлакатни асло енгиб бўлмайди», деб жавоб қайтаради хон.

Мазкур ривоятдан чиқадиган хулоса шукн, маънавияти юксак халқнинг илдизи мустаҳкам бўлади, уни ҳеч қачон тиз чўқтириш мумкин эмас. Чинакам цивилизациялашган демократик давлат. ҳамда бозор муносабатлари, бозор воситаларн фақат юксак маънавият негизнда барпо этилиши мумкин. Юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шуни эътиборга олган ҳолда ҳукуматимиз фан, маориф ва маданнят соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда.

Мустақиллик Ўзбекистон халқларининг бой маданияти, бебаҳо илмий, фалсафий ва маънавий мероси, ноёб тарихининг тикланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча имкониятларни яратиб бермоқда. Маънавияти юксак миллатгина мустақиллик, порлоқ истиқбол учун курашга ўзида куч-кудрат топади, ўз-ўзини қадрлайди, қаддини тик тутади, ўтмиши билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди.

Маънавият халқларни бир-биридан ажратмайди, балки бирлаштиради, ахилликни кучайтиради, дўстлик, қардошлиқ, ҳамжиҳатликка даъват этади. «Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қиласи. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомнда миллион-миллион кишилар

такдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам».

Миллат маънавиятини юксалтиришда унинг тили, маданиятини, миллий онг, миллий ўз-ўзини ва қадр-қимматини англаш ҳиссини миллий ғурур ва ифтихорини ўстириш муҳимдир.

Миллий мустақиллик ва ўзликни англашда ўзбек тили мавкеининг ошиши, унинг ривож топиши нечоғлик аҳамиятга зга эканлиги маълум. Тилемизнинг камолоти миллатимиз тараққиёти, миллий маданиятимиз ривожланишиниг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Халқнинг маънавий бойлиги, акл-идроқи ва тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида, маданиятида, урф-одатлари ва руҳиятида ўз ифодасини топади.

Тил халқнинг қалби, халқнинг номусидир. Ҳар бир тил ўз халқи учун буюк ва бебаҳодир. Тилемиз онамиз сингари улуғ ва мўътабардир. «Она тилининг буюк аҳамияти шундакн. — дейди И.Каримов,— у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради».

Тил миллатнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш учун калитидир. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса, у ана шу тил эгаси бўлган халқнинг юрагига йўл топади. Фақат тилни билган тактирдагина миллатнинг руҳини, қайфиятини, маданияти ва тарихини, миллий хусусиятларини. унинг қадр-қимматини. ғурурини тўғри тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Тилга нисбатан беҳурматлик бу энг аввало, тил эгаси бўлган халққа нисбатан ҳурматсизлик, унинг қадр-қимматини ерга уриш, камситишдир.

Биз ўзимизнинг яқин ва олис тарихимизда тилемизга нисбатан" ошкора зўравонлик, беписандлик қилганлигини аввалги саҳифаларда қайд этган эдик.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, айнан миллий истиқлол учун курашнинг муҳим жабҳаларидан бири халқимизнинг ўз тилининг обрў-эътибори, мавкеини кўтариш учун ҳаракати бўлди. Натижада 1989 йилнинг 21 октябрида «Давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилинди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳаётимиздаги, ҳатто тарихимиздаги ниҳоятда катта воқеа эди. Ўзбекистон ўзбек тилининг чинакамига гуркираб ривожланиши, чуқур илдиз отиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратадиган бирдан-бир маскандир. Ўзбекистон ўз заминида тилга оид ҳар қандай масалани

мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Конституциямизнинг 4-бандида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир».

Шундай бўлсада республикамиз ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатлар тилларининг хурмат қилиниши ва ривожланиши учун шароит яратиб берилади.

Тилимизн кўз қорачифидек, авайлаб асраш, эъзозлаш, уни ривожланишига, қаддини тиклаб олишига, ундаги барча имкониятларни тўла юзага чиқариш ва номоён бўлишига кўмаклашиш жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз зиммасидаги асосий мақсадлардан бўлиб ҳисобланади. Тилни асраш бу энг аввало, мустақиллигимизни авайлаш қўллаб-куватлашдир. Мустақиллик эса ўз навбатида тилимиз, маданиятимиз ривожланишининг асосидир.

Хозирги пайтда жумҳуриятимиз. раҳбарлари сиёсатида ёшлар орқасида энг иқтидорли, салоҳиятлиларини танлаб, саралаб олиб, уларнинг илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга зришишлари, замонавий фан-техника асосларини чукур ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилиш катта ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг эртанги ҳаёти, порлоқ истиқболи назарда тутилиб кўплаб ёшларимиз Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Олмония ва бошқа хорижий мамлакатларда таҳсил олиш учун юборилди. Бу иш тўхтовсиз давом этаяпти. Ёшларимиз сафида инглиз, немис, француз, араб ва форс тилларини биладиган, улардан амалда фойдалана оладиган кишиларнинг кўпайнб бараётганлиги истиқлолимиз, маданий-маънавий тараққиётимиз учун катта ютуқдир.

Жумҳуриятимизда «Таълим тўғрисида”ги қонунни ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам маданий-маънавий тараққиётимизда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатяпти.

Миллий истиқлол туфайли кўп қиррали бой миллий маданий меросимиз тикланмоқда. Маданий-маънавий мерос авлод-аждодларимиздан қолган буюк хазинадир. «Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлийди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди».

Маданий меросга ҳурмат бу, биринчи навбатда, унинг яратувчиси, авайлаб-асровчиси, ривожлантирувчиси бўлган халқ оммасига, миллатга, унинг ўтмишини чексиз ҳурмат, меҳро-ошибатдир. Ўзининг ўтмиш маъданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўзининг илдизини, авлод-аждодларн босиб ўтган йўлини билмайди ва билолмайди. Ундан одамнинг, ўшандай миллатнинг келажаги бўлмайди. Ўз имкониятини бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик миллат ва унинг истиқоли учун катта фожеадир.

Маданий меросимизнинг тикланиб халқимиз учун хизмат қилаётганлиги энг катта ютукларимиздандир. Эндиликда 20—30 ва 40-йилларда, 50-йилларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилғанликлари учун миллатчиликда, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб қатағон қилинган фанимиз ва маданиятимизнинг бир қанча таниқли арбоблари тўла оқланди. Ноҳақдан-ноҳақ қамалиб, ўлимга ҳукм қилинган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари адибларимизнинг ижодий мерослари ҳозирги пайтда халқимиз томондан катта қизиқиш билан ўрганилайти. Уларнинг асарлари одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимонӣ адолат учун курашга, ноҳакликка нисбатан муросасизликка, миллий истиқтолимиз, эркимиз ва озодлигимиз учун дадил кураш олиб боришга даъват этади.

Маънавиятимизни юксалтириш, маданиятимизни бойитиш, ривожлантиришда халқ оғзаки ижодиёти, адабиёт ва санъат, рассомлик, бадиий графика соҳалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик яратиб берган бекиёс имкониятлар, Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги бўлмаганда қисқа бир муддат ичидаги халқимизнинг “Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлардаги ноёб тарихий-маданий ёдгорликлари таъмирланмаган бўларди. Ўзбек халқининг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланиб келинаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш, илмий таҳлил қилиш соҳасида бу қадар хайрли ишлар қилинмаган бўларди.

Мустақилликнинг муҳим омилларидан яна бири ўз эркинлигини қўлга киритган мамлакат халқи ва миллатида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Мустақил давлатнинг асосий

ишилаб чиқарувчи қучи бўлган халқда етук миллий онг бўлмаса, озодлик, эркинлик, хуррият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Миллий онг—бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданият чўққисидир. Миллий онг, миллий маданиятнинг миллат манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан борлиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданият ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши мумкин эмас.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллат тарихини холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадрлашга, миллий ахлоқ-одоб ва бошқа маънавий хислатларни сақлашга хизмат қилувчи томонлари миллий онгнинг негизини ташкил этади. Ўз навбатида миллий онг миллий истиқдол мафкураси учун ҳам таг-замин ҳисобланади.

Миллий истиқдол мафкураси эса ҳозир ҳам, келажақда ҳам ҳамжиҳатлик, тенглиқ, teng ҳуқуқликка, ижтимоий адолат ва инсонпарварликка чорловчи ғоя бўлмоғи зарур.

Мансабпарамтлик, тарафкашлик, гурухбозлик, маҳаллийчилик- буларнинг ҳаммаси ижтимоий-иктисодий, маъданий, сиёсий тараққиётимиз, мустақиллигимиз учун ниҳоятда хатарлидир. Булар миллий онги, маданияти, миллий ғурури заиф бўлган кишиларгз хос хусусиятдир.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, дардига дармон бўлиш-булар ҳар бир халқ ва миллат куч-кудратининг асоси, ижтимоий-иктисодий, сиёсий тараққиётнинг негизидир. Миллий аҳиллик бўлган жойда тинчлик, осойишталик бўлади.

### Мавзуга оид синов саволлари:

1. Маънавият деб нимага айтилади ва унинг мазмунини нималар ташкил этади?
2. Миллатнинг тарихи ва маданияти нима орқали ўрганилади?
3. Маданий ва маънавий меросни изоҳланг!
4. Миллий онг ва миллий мафкуруни қандай тушунасиз?

## **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент “Ўзбекистон”, 1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Тошкент “Ўзбекистон”, 1999
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси Тошкент “Шарқ”, 1999
4. Каримов И.А. Миллий мафкура-мамлакат келажаги пойдевори “Маърифат” газетаси 8 апрел 2000
5. Иброҳимов Ў. Мард қолур майдон ичинда, “Фан” нашриёти, Тошкент, 2000
6. Иброҳимов Ў. Спорт психологияси, “Янги аср авлоди” нашриёти, Тошкент, 2004
7. Иброҳимов Ў, Жумаев З. Тренерлик касби. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2006.
8. Керимов Ф.А. Кураш тушаман. Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 1990
9. Нормуродов А.Н. Жисмоний тарбия. Тошкент “Ўзбекистон”, 1998
10. Нурмуҳаммедов К.И. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари, Тошкент , 1991
11. Озолин Н.Г. Современная система спортивной тренировки. М., “ФиС”, 1982
12. Тошпўлатов Ж. Ўзбек кураши. Тошкент, 2000
13. Тошпўлатов Ж. Ўзбегим чавондоз йигитлари. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2008
14. Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент, “Ўзбекистон” 1998
15. Юнусова Ю. Ефименко А. Спорт тренировкаси асослари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1984



## ЎРОҚ ИБРОҲИМОВ

1938-йилда Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманининг “Оққўрғон” қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний маданият ва спорт ходими, профессор, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт аълочиси нишонлари соҳиби. Халқаро кураш Академияси аъзоси, Халқаро тоифадаги ҳакам. Бир қатор методик ва ўкув қўлланмалар, рисола ва китоблар, юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи